

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 338.98.336.7

Қуйлиев Муслим Аслонович

**“Ижтимоий соҳани ривожлантиришда банкларнинг роли (‘‘Ўзсаноат
қурилиш банки’’ Қашқадарё вилояти филиали мисолида)**

**Мутахассислик: 5A230102—‘‘Иқтисодиёт’’ (Ижтимоий соҳа
иқтисодиёти)**

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар
доц. А.Д.Равшанов
“_____” _____ 2015 йил

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб Тижорат банкларида ижтимоий соҳа хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	9
1. Банк хизматининг моҳияти ва унинг турлари.....	9
2. Ўзбекистон Республикасида миқозларга банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва уларнинг моҳияти.....	22
I боб бўйича хулоса	29
II боб Ўзбекистон Республикасида миқозларга банк хизматларини кўрсатиш амалиётининг таҳлили.....	31
1. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳолатининг таҳлили.....	31
2. Миқозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини баҳолаш ва уларнинг қондирилганлик даражасини аниқлаш	40
II боб бўйича хулоса	46
III боб Миқозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондириш механизмини такомиллаштириш йуллари.....	48
1. Миқозларга банк хизматларини кўрсатиш ва унинг хатарини тартибга солиш амалиётининг такомиллаштириш усуллари.....	48
2. Бозор иқтисодиёига ўтиш даврида миқозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш йуллари.....	57
III боб бўйича хулоса	68
Хулоса.....	71
Адабиётлар руйхати.....	79

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунлардан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Ҳар бир мустақил давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажақтаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг бугунги иқтисодий муҳити тижорат банклари фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, республикада банк ишининг самарадорлигини ошириш асосида, халқаро банк амалиётига мос келувчи тижорат банклари хизматларини яратиш ва миқдорларнинг уларга бўлган эҳтиёжини тўла қонли қондириш механизмининг яратишга тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013-йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3-мартадан зиёд ошди.

Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011-йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори

рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикаимизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди”¹.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул - кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда.

Бунда бир томондан пул - кредит воситалари орқали тартибга солишни амалга оширишнинг турли тамойиллари, ёндашувлар ва аниқ шакллари ўз ичига олувчи жаҳон амалиётини илмий идрок этиш муҳим аҳамиятга эга бўлса, бошқа томондан, жаҳон амалиётини Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги шароитида қўллаш самарали бўлган элементларини танлаш, илмий жиҳатдан Ўзбекистон шароитига мослаштириш талаб этилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш орқали бу жараёндаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, хатарни ҳисобга олган ҳолда банк ижтимоий соҳа хизматларини тақдим қилиш амалиётини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўйидаги вазифаларни бажарилишини тақозо этади:

- банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш зарурлиги ва муҳимлигини илмий асослаш;
- банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва уни амалиётда ташкил қилиш усуллари ва йўлларини

¹ Каримов А.И. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 2015. 17 январ

такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уларни қондириш муаммоларини ўрганиб, ечимини топиш;

- бугунги кунда банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

- банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларни қондириш бўйича хориж ва мамлакатимиз банк амалиётларини таққослаб, хориж тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси АТ “Ўзсаноат қурилишбанк” (Қашқадарё вилояти) филиали мисолида ижтимоий соҳа хизматлар портфелини бошқариш амалиётини тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

- **Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ҳолати ўрганилди ва уларни янада тўлароқ қондириш учун муҳим бўлган омиллар аниқланди;

- тижорат банкларининг ижтимоий соҳа хизматлар портфелини сифатли шакллантириш учун мижозларнинг уларга бўлган эҳтиёжини систематик таҳлил қилиб бориш лозимлиги асослаб берилди;

- мамлакатимизда мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш амалиётини жадаллаштириш таклиф қилинди;

- мамлакатимизда халқаро ҳисоб-китоблар юзасидан банк хизматларини тақдим қилишда, банк ходимларининг касбий билимини ва маҳоратини ошириш муҳимлиги белгилаб ўтилди;

- банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжининг таҳлили ва банкнинг ижтимоий соҳа хизматлар портфелини самарали бошқариш ўртасидаги боғлиқлик аниқланди;
- Ўзбекистон Республикаси “Ўзсаноат қурилишбанк” (Қашқадарё вилояти) филиали мисолида бугунги кунда банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжи ва уларнинг қондирилиши ҳолати таҳлил қилинди;
- банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва уларни қондириш хориж амалиёти ўрганиб чиқилди ва республикамиз тижорат банклари амалиёти билан таққослаш тадқиқот ишлари амалга оширилди;
- тижорат банклари ижтимоий соҳа хизматлар портфелини самарали бошқариш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида АТ “Ўзсаноат қурилиш банки” Қашқадарё вилояти филиалида ижтимоий соҳани барқарор ривожлантиришда олиб бораётган ишларини кўриб чиқиш шунингдек диссертациянинг янгиликларини амалда тадбиқ этиш орқали соҳа юксалишига эришилади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, бугунги кунда ижтимоий соҳа хизматлар портфелини бошқариш ҳолатини Ўзбекистон Республикаси АТ «Ўзсаноат қурилиш банки» ва бошқа тижорат банкларининг фаолияти олинди.

Предметини эса, ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжлари ва уларни самарали қондириш, банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича яратилган илмий назарий қараш ташкил этади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Банк тизимини ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш масалалари бир асрдек узоқ вақт давомида иқтисодчи олимларнинг эътиборини тортиб келмоқда.

П.С.Панова, В.В.Иванов, В.И.Колесников, Ю.А.Бабичев, Э.Н.Василшен, В.М.Усоскин, Р.С.Портер, Д.Полфреман, Ф.Форд, Ж.Долан ва бошқа қатор МДХ ҳамда бошқа чет мамлакатлар олимлари ўз илмий ишларида маълум қадар тижорат банклари барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалаларига тўхталиб ўтганлар.

Масалан, Россия Молия Академияси профессори О.И.Лаврушиннинг фикрига қараганда банклар - иқтисодийнинг узига хос "кон томири" бўлиб, уларсиз замонавий хужалик механизмини тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу тизимни турли хужалик субъектлари, давлат корхоналари, чет эл инвесторлари, аҳолининг пул ресурслари узаро муомалада бўлади.²

Дэвид Полфреман ва Филип Фордлар ўзларининг «Основн банковского дела» ўқув дарслигида: «Банк- бу алоҳида олинган гуруҳлардан улар томонидан талаб қилиб олгунларига қадар ёки билдиришнома бергунларига қадар бўш пул маблағларини олиб бошқа гуруҳ одамларга маълум бир муддатга бериш билан шуғулланувчи молиявий воситачилардир» деб таъкидлайдилар.³

Банк соҳаси билан шуғулланувчи Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.З.Абдуллаева ўзининг «Пул, кредит ва банклар» китобида «Банк деб пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит -хисоб ва бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади» деб таъкидлайди.

Ҳарчи банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида бир қатор ишлар қилинган бўлсада, бу борада ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Таъкидотда қўлланиладиган методиканинг таъсири. Таъкидот ишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент

² Лаврушин О.И. Банковское дело. М: Финансы и Статистика. 2003 г. стр.7

³ Основы банковского дела. Д.Полфреман., Ф.Форд. М.,Инфра-М. 1996

И.А.Каримовнинг макроиктисодий масалаларга бағишланган асарлари, хусусан банк тизмига бағишланган нутқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, банк иши буйича ўқув қуланмалар, хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг монография ишланмлари, шунингдек илмий изланишларнинг натижалари ҳамда матбуотда эълон қилинган фактлар мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Мамлакатимизда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра уларни ўз вақтида қондириш юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар берилган. Хусусан, банк ходимларининг касбий билимини ва салоҳиятини ошириш, ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжлари маркетингини ривожлантириш.

Илмий ишда илгари сурилган тавсия ва таклифлар банкнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилишда ва уларни қондиришда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлашда ўз тадбиғини топади.

Тадқиқот ишида илмий асосланган таклифлар, хулоса ва тавсиялар яхлит самара келтиришга қаратилган бўлиб, уларни банклар амалиётида қўллаш, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ва банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилишда фойдаланиш, тижорат банклари хизмат кўрсатиш сиёсатини тузиш ва амалга оширишда кенг қўллаш мумкин бўлади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши 86 варақ компьютер матнидан иборат. У кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб Тижорат банкларида ижтимоий соҳа хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

1. Банкларнинг ижтимоий соҳа хизматларининг моҳияти ва унинг турлари.

Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларининг моҳияти асосан уларнинг пассив ва актив операцияларида ўз аксини топган. Банкларнинг операциялари кўпгина иқтисодчи олимлар ва банк амалиётчилари томонидан ўрганилган. Питер С. Роуз жамоатчиликка банклар томонидан тақдим қилинадиган хизматлар, хусусан банклар тўғрисида шундай дейди: “Банк – бу молиявий хизматларни тақдим қиладиган, жамиятнинг пул маблағларини профессионал бошқариб турадиган, шунингдек иқтисодиётда кўпгина функцияларни бажариб турадиган фирмалар”. Бундан ташқари Питер С.Роуз ўқув қўлланмасида валютани айрибошлаш, тижорат ҳисоб-китобларини юритиш ва корхоналарга кредитлар тақдим қилиш, жамғарилувчи депозитлар, қимматликларни сақлаш, ҳукумат фаолиятини кредитлар билан қўллаб қувватлаш, чек ҳисоб рақамлари (талаб қилиб олинган депозитлари), траст хизматлари ва охириги йилларда ўз ривожини топган истеъмол кредитларни тақдим қилиш, молиявий консультация бериш, нақд пул оқимини бошқариш, ускуна лизинги, рискли капитални таклиф қилиш, суғурта хизматларини сотиш, нафақа режаларини сотиш, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича брокерлик хизматларини таклиф қилиш каби банк хизматлари устидан тадқиқот ишларини олиб борган.⁴ Мазкур иқтисодчи олимнинг фикрича, банк шаклининг ўзгариши бир қанча асосий тенденциялар ёрдамида амалга ошади: хизматлар сонининг ўсиши, рақобатнинг ўсиши, дерегуляция, молиялаштириш нархининг ўсиши, фоиз ставкаларга ўта сезувчан фондлар, технологик ривожланиш, банк ишининг глобализацияси, банкротлик хатарининг

⁴ Питер С.Роуз, “Банковский менеджмент”, /ўқув қўлланма/, М.,1995, “ДЕЛО”, стр. 1-15 .

ўсиши ва давлат томонидан депозитларни суғурталаш тизимининг кучсизланиши.⁵

Россиялик олим Е.Ф. Жуков ўзининг ўқув қулланмасида банк муассасасига ва банк опреацияларига қўйидагича фикр билдирган: “банкка, маблағларни йиғувчи ва уларни қайтаришлик асосида жойлаштирувчи муассаса сифатида қаралганда, унинг бу фаолиятида пассив ва актив операцияларини ажратиш мумкин бўлади.”

Мазкур қўлланмада банкнинг пассив операциялари қисмида омонатлар (депозитлар) қабул қилиш, миждозлар, шу жумладан банк-корреспондентлар учун ҳисоб рақамларни очиш ва уларни юритиш каби хизматлар устида тухталиб утган. Актив операциялар қисмида миждозларга ссудалар тақдим қилиш, касса хизматларини кўрсатиш ва ҳоказо. Шу билан бирга Е.Ф. Жуков тижорат банкларнинг молиявий хизмат турлари таркибига кирувчи лизинг, факторинг, форфетинг, траст операциялари; бошқа хизмат турлари туркумидан касса-ҳисоб-китоб хизматлари, юридик шахсларга хизмат кўрсатиш каби банк хизмат турлари борасида ўрганиш ишларини олиб борган.⁶

Таниқли россиялик олим О.И. Лаврушин, банкнинг ҳусусияти унинг фаолияти моҳиятлари ёрдамида белгиланади ва мазкур фаолиятнинг натижаси банк маҳсулотининг яратилиши ҳисобланади деб белгилаб утган.

Бунда банк маҳсулоти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- тўлов маблағларини яратиш;
- хизматларни тақдим қилиш.

Тўлов маблағларини яратиш бутун иқтисодиёт миқёсида (ёки бошқача қилиб айтганда макродаражада) олинади. Бизга маълумки, меҳнат маҳсулотларини айрибошлаш бир маҳсулотнинг бошқа маҳсулот турига алмаштириш шаклида эмас, балки сотиб олиш-сотиш шакли кўринишида амалга оширилади. Товар ишлаб чиқарувчи бозорга ўзининг товарини

⁵ Питер С.Роуз, “Банковский менеджмент”, /ўқув қўлланма/, М.,1995, “ДЕЛО”, стр. 17.

⁶ Е.Ф.Жуков, “Банки и банковские операции”. М., 1997., “ЮНИТИ”, 197-268 бетлар.

таклиф қилади. Ўз навбатида, сотиб олувчу ўзининг товарини сотган тақдирда ўзига керак бўлган маҳсулотни сотиб олиши мумкин бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида сотиб олиш-сотиш жараёнини амалга ошириш учун умумий тўлов маблағлари кўринишдаги пул зарур бўлади. Тўлов маблағларсиз товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида меҳнат маҳсулотларини айрибошлаш имконияти бўлмайди. Марказий банк, моддий бойликларнинг айланиши, ишлатилиши ва истеъмол қилиниши, бундан ташқари ишлаб чиқариш жарёни давом этиши учун зарур бўлган пул маблағларини чиқаради.

Банк маҳсулотининг иккинчи таркибий қисми бўлган банк хизматларини қўйидаги тартибда таснифлаш мумкин (1.1-чизма):

1.1-чизма.

Таснифлаш критериялари	Тақдим қилинаётган хизматлар тури
Банк фаолияти спецификасига мувофиқ бўлишига қараб	Ўзига хос бўлган хизматлар, ўзига хос бўлмаган хизматлар
Хизмат кўрсатиладиган субъектларга қараб	Юридик шахслар, жисмоний шахслар
Банк ресурсларини жалб қилиш ва жойлаштириш усулига қараб	Актив операциялар, пассив операциялар
Тақдим қилинган хизматлар тўловига қараб	Пулли хизматлар, пулсиз хизматлар
Моддий маҳсулотларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлишига қараб	Моддий маҳсулотнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хизматлар соф хизматлар

Мазкур схемадан кўриниб турибдики, банк хизматларини ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган турларга ажратиш мумкин. Ўзига хос бўлган хизматлар деганда банк фаолиятининг спецификасидан келиб чиқадиган барча хизматлар тушинилади. Ўзига хос бўлган хизматлар таркибига банк

томонидан амалга ошириладиган учта операцияларни киритиш мумкин: 1) депозит операциялари; 2) кредит операциялари; 3) ҳисоб-китоб операциялари.

Депозит операциялари деганда мижозларнинг маблағларини банк омонатлари (депозитлари)га кўчиши тушинилади. Мижозлар банкка кўйган пул маблағлари учун фоиз тўловларини оладилар.

Кредит операциялари банкнинг асосий операцияси ҳисобланади. Чунки банклар, фоиз даромадларнинг асосий қисмини кредитлар тақдим қилиш жараёнидан оладилар. Лекин баъзи мамлакатларда (асосан иқтисодий кризис мавжуд бўлган ва инфляция даражаси юқори бўлган давлатларда) юқори риск даражасидан қочиб, тижорат банклари асосан кредитлаш эмас балки, хатар даражаси паст бўлган банк операцияларни (масалан, валюта операциялари ва ҳоказо) амалга оширишни авфзал кўрадилар.

Ҳисоб-китоб операциялари банклар томонидан нақд ва нақдсиз кўринишда амалга оширилади. Мижознинг топшириғига кўра банклар, уларга товар-моддий бойликларни сотиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш, иш ҳаққиларни тулаш, солиқ, йиғимлар билан боғлиқ ва бошқа зарур бўлган туловларни амалга ошириш учун турли ҳил ҳисобрақамлар очадилар. Бу жараёнда тижорат банклари воситачи ролини бажариб, кўрсатган хизматлари учун ўз хизмат ҳаққини олади.⁷

Юқоридаги операциялар банк қонунчилигида банкнинг базавий операциялари қилиб белгиланган. Мазкур операцияларни ялпи кўринишда амалга ошираётган муассаса банк ҳисобланади. Агарда, мазкур базавий операцияларни бири бажарилмаса, муассаса банк эмас, балки бошқа кредит ташкилоти тоифасига киритилади.

Банк хизматлари таркибига ***касса операцияларини*** ҳам киритиш мумкин. Касса операциялари банк қонунчилигида базавий операциялар

⁷ О.И. Лаврушин, “Банковские операции”. /ўқув қўлланма/, -М., 1995., 5-7 бетлар.

таркибига киритилмаган бўлсада, ўзининг қўлланилиши жиҳатидан банк фаолиятининг моҳиятини билдиради. Омонат (депозит)лар қабул қилиш, кредитлар тақдим қилиш ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошираётган, лекин касса хизматини кўрсатмаётган банкларни тасаввур қилиш қийин албатта.

Банкларнинг *қўшимча операциялари* деган тушунча ҳам мавжуд. Қўшимча операциялар таркибига валюта операцияларини, қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар, олтин билан боғлиқ операциялар, қимматли металллар билан бўладиган операцияларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари банкларнинг ноананавий хизматлар турлари мавжудки, унинг таркибига қолган бошқа барча банк хизматлари киради. Ноананавий банк хизматлари сони кўпчиликни ташкил қилиб, уларнинг баъзи кўринишларини қўйида келтириб ўтамыз:

- воситачилик хизматлари;
- корхонани ривожлантиришга қаратилган хизматлар (яъни, биржага киритиш, акцияларни жойлаштириш, юридик хизмат кўрсатиш, ахборот хизматлари ва ҳоказо.);
- кафолат ва кафилликлар тақдим қилиш;
- ишончли операциялар (жумладан, миждознинг топшириғига кўра унинг мулкини бошқаришда консултация ва ёрдам бериш);
- корхоналарга бухгалтерлик ёрдамларини кўрсатиш;
- суд органларида миждознинг манфаатларини тақдим қилиш;
- сейфларни тақдим қилиш бўйича хизматлар;
- туристик хизматлар ва бошқалар.

Юқоридаги классификация асосида кўриб чиқилган банк хизматлари ҳам юридик шахс мақомига эга бўлган миждозлар учун, ҳам жисмоний шахслар учун кўрсатилади. Банк амалиётида юқоридаги банк хизматларининг тўплами банкларда бир хил бўлиши мумкин, фақат уларнинг кўлами хар хил бўлади.

Банк хизматларига, хизматларнинг пулли бўлиши ва банкнинг даромади нуқтаи назаридан қаралганда, қўшимча аниқлик критига ёрдам берадиган қўйидаги белгаларни киритиш мумкин: даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган хизматлар; қиммат ва арзон хизматлар. Банкнинг кўпгина актив операциялари банкка даромад олиш имкониятини беради, ва аксинча омонат (депозит)лар бўйича фоизларни тўланишини тақозо қилувчи пасив операциялар банк учун харажат келтиради. Баъзи банк хизматлари кўп меҳнатни талаб қилади, шунинг учун уларнинг нархи қиммат бўлади. Масалан, аккредитивни расмийлаштириш ва уни амалга ошириш хизмати, тўлов топшириқномага асосан миқдорнинг пулини ўтказиб юбориш хизматига нисбатан банкка қимматга тушади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, моддий маҳсулотнинг харақтланишига боғлиқ равишда банк хизматлари икки турга бўлинади: моддий маҳсулотнинг харақати билан боғлиқ бўлган хизматлар ва соф хизматлар. Банклар ўзларининг пул маблағли операциялари ёрдамида асосан моддий товарларнинг харақатига хизматлар кўрсатади, бўларнинг асосий қисми биринчи турга мансуб бўлади. Товар харақатига ёрдам берувчи банкнинг бу хизматлари (масалан, корхоналарга транспорт хизматлари, алоқа, савдо) янги қўшимча нархни келтириб чиқаради. Банк томонидан соф хизматлар бевосита моддий ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар, шунингдек шахсий эҳтиёжларни қондириш учун маълум тоифадаги фуқароларга тақдим қилинади.

Таъкидлаб утганимиздек, банк маҳсулоти – бу хар хил тоифадаги хизматлардир. Ишлаб чиқариш корхоналарнинг хизматидан фарқли улароқ, банк хизмати моддий кўринишга эга эмас. Шунинг учун, меҳнат маҳсули предмет шаклини оладиган моддий ишлаб чиқарувчи тармоқлардан фарқли равишда, банк хизматларини омборларда сақлаш, захира шаклида ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Банк хизматларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг ишлаб чиқариш характери ҳисобланади. Хатто оддий кўринишга эга бўлган банк

омонатларига фуқароларнинг ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш амалиёти юқори ишлаб чиқаруви маънога эга. Бунда банк нафақат пулларни йиғади, балки “ишламаётган” маблағларни ишчи ҳолатга келтиради. Шу тариқа банк операциялари мижозларнинг хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатиш орқали ишлаб чиқаришни ривожланишига ва жадаллашувига сабачи бўлади.

Банк хизматларининг яна бир хусусияти шундан иборатки, бунда юқори миқдордаги маблағлар бир ҳисобрақамдан иккинчи ҳисоб рақамга, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчади, яъни бунда капиталнинг пул кўринишдаги ҳаракати вужудга келади. Масалан, кредитлаш билан боғлиқ бўлган банк операциясини олайлик. Маълумки, тақдим қилинган кредит белгиланган муддат ичида банкка устама фоиз тўловлари билан биргаликда қайтиб келиши лозим. Бу шуни англатадики, қарздор кредитни шундай ишлатмоғи лозимки, бунда қарздор бўлмаганда банк фоизларини тўлаш учун фойда кўриши лозим. Мижоз кредит шартномасига асосан кредит маблағларини “еб кетиш” (истеъмол мақсадлари) учун эмас, балки капитал шаклида ишлатишга мажбур бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам оширилиши мумкин, яъни улар банк монополияси ҳисобланмайди. Масалан махсус корхона ва агентликлар бухгалтерлик ёрдам кўрсатиш, консультациялар бериш, турли ҳил воситачилик ва ахборот хизматларини кўрсатиш, сейфларни арендага бериш ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатишлари мумкин. Бинобарин, белгилаб ўтиш мумкинки, банклар нобанк операцияларини ҳам бажаришлари мумкин бўлади. Бундай фикр билдирилишига сабаб, бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб рақобат вужудга келиши оқибатида юқори даромадли операцияларни кенгайтириш имконияти чекланади ва банклар ўз навбатида даромад олишнинг янги манбаларини қидиришга мажбур бўладилар.

Демак, биз банк хизматларининг хусусиятларини қўйидаги тартибда ажратишимиз мумкин буўлади:

- заҳира сифатида ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш характериға эға бўлиш;
- капитал, банк хизматларининг объекти бўлиб хизмат қилади;
- актив ва пассив операцияларни қамраб олади;
- банкнинг монополияси ҳиобланмайди;
- нобанк операцияларига ҳам тегишли бўлиш.

Банк хизматлари стандарт тўпламининг эволюцияси шундан иборатки, кўпгина омилларнинг (бунда нафақат рақобат, балки янги технологияларни ўзлаштириш, янги банк маҳсулотини яратиш ва ҳоказо) таъсири остида хизматлар бозорида уларнинг кўлами кўпайиши билан бир қаторда, уларнинг таркиби ҳам кенгайиб бормокда. Бундай ҳолатни мамлакатимиз тижорат банклари амалиётида ҳам кўзатиш мумкин. Бундан бир неча йиллар муқаддам, мамлакатимиз тижорат банклари сертификатлар, векселлар, кредит карточкалар билан ишламаганлар; банк хизматчиларининг лексиконида факторинг, лизинг, контокоррент, опцион, банкомат ва бошқа тушунчалар ишлатилмаган. Бундай ҳолатнинг вужудга келишининг асосий сабаби, банклар марказлаштирилган тизимда фаолият юритганлар, чунки бундай тизимда маъул бир банк хизматларига эъҳтиёж бўлмаган. Бозор иқтисодиёти банклар олдига янги талабларни қўйди: банклар мижозларининг манфаатларига тўғри келувчи янги операцияларни ўзлаштиришга мажбур бўлдилар. Авфсуски, банклар бу операцияларнинг ҳаммасини бирданига ўзлаштириб ололмайдилар, чунки маълум даражада вақт ўтган бўлсада, банклар ҳали етарли даражада тажриба ортишга улгурганлари йўқ. Баъзи операциялар, инфляция даражаси юқори бўлиши, замонавий алоқа воситалари етарли даража бўлмаслиги натижасида ўз риводини топмаган. Бундан ташқари, тижорат банкларнинг кўпчилиги янги банк хизматари тўғрисида етарли даражада тасаввурға эға эмаслар, бу

борада банклар ўз ходимларини янги хизматларнинг моҳияти ва уларни мижозларга тақдим қилиш амалиёти борасида уқитишлари лозим.

Т.Н. Нестерова ташқи иқтисодий фаолиятлар соҳасида банк хизматларини кўрсатиш бўйича ўзининг ўқув қўлланмасида батафсил тухталиб утган. Мазкур ўқув қўлланмада олим халқаро тартиб асосида банкларнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари йўналишларини кўриб чиққан. Т.Н. Нестерованинг фикрича, ташқи иқтисодий фаолият ва пул-валюта бозорида операцияларни утказиш билан боғлиқ банк хизмати маълум даражада хатар билан боғлиқ бўлган ўзига хос ва мураккаб банк амалиётидир. Чет эл валютасида операцияларни амалга оширишни фақат халқаро ҳисоб-китоб қоидасини билувчи, пул ва валюта бозорида битимларни туза оладиган, валюта бозорининг конъюктурасини таҳлил қила оладиган, шунингдек ўз мамлакатада валюта операцияларини тартибга солувчи ҳуқуқий базани яхши билувчи юқори савияли мутахассис амалга ошириши мумкин деб ҳисоблайди. Бундан ташқари Т.Н. Нестерова ўзининг ўқув қўлланмасида валюта операцияларини ташкил қилиш, валюта маблағларини жалб қилиш, товар ва хизматлар учун халқаро ҳисоб-китоблар бўйича операциялар, банк ўтказмаси, инкассо, аккредетив, ташқи иқтисодий фаолиятни миллий ва хорижий валютада кредитлаш, форфетлаш, валютани сотиш бўйича операциялар, валюта хатарларини суғурталаш каби йўналишлар бўйича ўз тадқиқот ишларини олиб борган.⁸

А.Н.Иванов банк “хизмати” ва банк “операцияси” каби иқтисодий категорияларни туғри фарқлаш лозимлигини, шунингдек улар ўртасидаги сезиларли фарқлар мавжудлигини белгилаб ўтган. Мазкур олим банк хизматлари соҳасидаги ўз тадқиқотлари давомида “хизматлар” ва “операциялар”ларни умулаштирувчи қўйидаги терминологик жадвални тузиб чиққан (2-чизма):⁹

⁸ Т.Н. Нестерова, “Банковские операции”, /ўқув қўлланма/, -М., 1996., 5-81 бетлар.

⁹ А.Н.Иванов, “Банковские услуги: зарубежный опыт и российский опыт”, М. 2002., 14 бет.

Хизматлар ва операцияларни умумлаштирувчи терминологиялар тўплами.

1.2-чизма

Хизмат	Операция
- Ўзгаларга ёрдам кўрсатувчи фаолият. - Моддий шакл ва табиат кучига эга бўлиш, ўзгартириш билан бевосита банд бўлмаган меҳнатнинг барча турлари. - Бажариш жараёнида янги маҳсулот яратилмасдан балки мавжуд эски маҳсулотнинг сифатини ўзгартирадиган фаолият турлари.	- Ўзига хос бўлган фаолият. - Бир мақсад учун бирлаштирилган бир қанча фаолиятлар. - Мижоз топшириғи билан бажариладиган комиссия ёки воситачилик операциялари. - Ягона иқтисодий вазифани ҳал қилишга қаратилган ялпи ўзаро боғлиқ банк фаолиятлари.

Мазкур келтирилган жадвалда “хизмат” ва “операциялар” ўртасида фарқлар кўрсатилган. Бир томондан, булар асосий фаолиятни қўллаб қувватловчи маълум бир хусусиятларни билдирса, иккинчи томондан – маълум бир мақсадга эришишга қаратилган фаолиятларни билдиради.

Банк хизматлари ва операцияларининг маъносини тушунишда инглиз тилидаги “service” ва “operation” сўзларининг симантикасини (сўзнинг кўп маъноларга эга бўлиши) таҳлил қиладиган бўлсак қизиқ бир фактни кўзатишимиз мумкин. “Service” сўзининг симантикаси қўйидаги фарқланувчи хусусиятларни ажратиб олиш имкониятини беради:

- мижозга ёрдам бериш ёки даромад олишида қўллаш қувватлашга қаратилган фаолият;
- маълум бир эҳтиёжларни қаноатлантирувчи тизим;
- доимий равишда ишлатилиши мумкин бўлган маслаҳат ва юқори тоифали ёрдам.

“Operation” сўзининг симантикаси қўйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

- ҳаракат ҳолати;
- фаолият, ҳаракат, фаолиятларнинг яхлитлиги;
- фаолият амалга оширилаётган ҳолат.

Демак, операция - ҳаракатни англатади, агарда банк фаолияти нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ бўлган банк фаолиятини билдиради. Хизмат деганда эса, операцияларнинг самарали бажарилишига қаратилган фаолият тушунилади.

А.И.Жуков банк хизматларига қўйидагича таъриф беради: “тижорат банклари хизматлари – бу банк фойдасига маълум бир ҳақ олиш эвазига, миқдорнинг талабига биноан банк операцияларини бажаришдир”.¹⁰

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда “банк маҳсулоти” термини ишлатилади. Хатто баъзида бу термин “банк хизматлари” термини ўрнида ишлатилади. Француз иқтисодчиси, профессор С. Де Куссер, банкларнинг хизматлар кўрсатишда, замонавий имкониятларининг мавжуд бўлиши банк индустрияси ва бинобарин банк маҳсулоти мавжудлигидан дарак беради деб ҳисоблайди. О.И.Лаврушин асосий банк маҳсулотлари таркибига банк кредитларини киритади.

С. де Куссер банк маҳсулотларининг хусусиятлари орасидан қўйидагиларни ажратади:

- амортизация таъсири остида бўлмаслик;
- маҳсулотни патент орқали ҳимоя қилиш имконияти мавжуд бўлмаслиги;
- тақдим қилинаётган банк маҳсулотларининг бир ҳил бўлиши;
- банк ёки солиқ қонунчилигига боғлиқ бўлиш;
- миқдорларга банк маҳсулотларини бевосита сотиш.

С. де Куссернинг фикрича, банк маҳсулотларининг яшаш циклларида, уларнинг қўйидаги ривожланиш фазалари мавжуд:

- биринчи фаза – сотиш ҳажмининг жадал ўсиши натижасида оборотга киритиш;

¹⁰ А.И. Жуков, “Банковская система России.”. М., 1996. с. 186.

- иккинчи фаза – сотиш ҳажми барқарорлишиб охирги истеъмолчи учун рақобат пайдо бўлганда маҳсулот ҳажмини ошириш, маҳсулотни такомиллаштириш;

- учунчи фаза – пасайиш. Мазкур давр банк мижозларининг банкдаги кунувиға қараб бир неча ўн йиллар мабойнида давом этиши мумкин.

А.Н.Иванов мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, банк маҳсулотларини қўйидаги мураккаблик даражасини белгилаб ўтган:

1-даража – кўпчилик истеъмолчилар томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар (ҳисоб рақамларни очиш, нақд пулни бошқариш, клиринг хизматлар);

2-даража – банк ходимларининг махсус тайёргарлигини талаб қилувчи хизматлар (активларни бошқариш, инвестицион хизматлар);

3-даража – хизматларни ишлатиш соҳасида касбий билимни талаб қилувчи хизматлар (корпоратив молия соҳасидаги хизматлар, аралаш активларни бошқари);

4-даража – молиявий режалаштириш ва молиявий инжиниринг соҳасида махсус билимларни талаб қилувчи хизматлар.^{1 1}

Тижорат банкларининг хизматлар бозоридаги фаолиятини, мижозлар билан ишлаш амалиёти илғор бўлган жаҳон андозалари билан солиштириш фойдалидир. Мижозларга хизмат кўрсатишга мулжалланган банклар ўзларининг рақобатчиларидан юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш имконияти мавжудлиги билан фарқланадилар, бундан ташқари мазкур банклар:

- кўплаб мижозларни жалб қиладилар;
- хизмат кўрсатилиши учун бошқа банкларга ўтадиган мижозлар сонини пасайтиради;
- мижозларга тақдим қилинадиган хизматлар кўламини оширадилар;
- мижозларни кўпроқ муддатларда ўзларида ушлаб турадилар;

^{1 1} А.Н.Иванов, “Банковские услуги: зарубежный опыт и российский опыт”/,М. 2002., 19 бет.

- мижозларни қўшимча даромад билан таъминлайдиган кўпчилик хизматларни жорий қиладилар.

Мижозларга хизмат кўрсатишга асосланган банклар рақобат борасида маълум даражада авфзалликларга эга бўладилар ва бу билан эски мижозларни сақлаб қолиш билан бир қаторда янгиларини жалб қилиш эвазига ўзининг даромад ҳажмини ошириб боради. Бундай мижозлар банкнинг кўпгина хизматларини сотиб олади ва банк билан ўзоқ муддатли алоқалар ўрнатади. Шуни белгилаб утмоқчимизки, хизмат кўрсатишга мулжалланган банкларнинг ички структураси шундай тартибда ташкиллаштирилганки, бунда унинг ҳар бир компоненти мижозга максимал даражада фойда келтиришга асосланган.

Мижозларга мулжал қилиш амалиёти ҳам банк учун ҳам мижоз учун ютуқли вариант ҳисобланади. Мижозларга мулжал қилинган банкларда, ҳатто оддий операция ҳисобланган ҳисоб рақамни ёпиш жараёни “мижозларни ушлаб қолиш” деб аталмиш бўлинмаси орқали ўтади. Бу бўлинманинг вазифаси мижознинг бошқа банкка кетиб қолишни олидини олишдан иборат.

Тижорат банклари ҳар бир мижозга позитив нуқтаи назаридан қараши лозим. Банкнинг мижозлари кичик ва йирик бўлиши билан бир қаторда ўрта қарз олувчилар ҳам бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида, банклар, ўз маблағларини банкларда жойлаштирадиган корхоналарнинг молиявий ҳолати билан, камдан кам ҳолатда қизиқадиладар. Кўпчилик ҳолатларда фақат қарз олган корхоналарнинг молиявий ҳолати устидан назорат ўрнатилган. Аммо, таъкидлаб ўтиш жоизки, барқарор бўлган ресурс базаси банкнинг молиявий ҳолати барқарор бўлиши асосидир.

Иқтисодиётдаги эҳтимолликлар кўпроқ кичик бўлган қарздорларга ўз таъсирини утказади. Лекин, банкдан йирик мижознинг кетиб қолиши ёки молиявий қийинчиликлар банкнинг молиявий ҳолатини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бир мижозга ёки бир қанча йирик мижозларга

хизмат кўрсатишга мўлжал қилиш ҳам банк амалиёти учун хавфли ҳисобланади. Кам сонли мижозларга хизмат кўрсатиш банк раҳбарияти учун жозибали бўлиши мумкин, чунки бунда қўшимча маблағларни жалб қилиш ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар минималлаштирилади. Лекин, кутилмаганда банкдан йирик депозитларнинг тассаруф қилиниши ва бунда банк чиқиб кетган маблағлар ўрнини ўз вақтида тўлдирмаса, банк ликвидлиги кризиси келиб чиқади.

2. Ўзбекистон Республикасида мижозларга банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва уларнинг моҳияти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк фаолиятини такомиллаштириш муаммоси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Банк хизматлари бозори ҳозирги бозор иқтисодиётининг ажралмас ва энг асосий таркибий қисмларидан бир ҳисобланади. Бинобарин, бугунги кунда банк тизимининг ҳар бир йўналишидаги фаолиятларига ва уларни бошқариш методларига қизиқиш ортиб бормоқда. Тижорат банклари - капиталларни қайта тақсимлашда, хўжалик фаолиятини диверсификациялаш жараёнини таъминлашда воситачи, шунингдек муҳим иқтисодий ва молиявий ахборотларни сақловчи муассаса ҳисобланади. Фаолиятларнинг бугунги кунда рақобатчилик ва тижоратлашганлик шартлари, таркибнинг реорганизация қилиш зарурлигини, эластик бозор стратегиясини ишлаб чиқишни, банк хизматлар бозорини сегментлаш, хизмат кўрсатиш ва операцияларнинг янги методларини ривожлантиришни тақозо қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳатларнинг ўтказилиши, барқарор ва самарали бўлган банк тизимини шакллантиришни кўзлайди. Бунинг натижасида молия-кредит тизимининг самарали институтчионал шакли устидан изланишлар олиб борилмоқда, ички банк секторидаги муносабатлар тизими, шунингдек Марказий банкнинг назорат қилиш ва бошқариш принциплари ўзгариб бормоқда.

Тадқиқот ишининг долзарблиги сифатида мамлакатимиз банк хизматлари соҳасида мавжуд бўлган бир қатор муаммолар олинди.

Охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимида кескин ўзгаришларни тақозо қилувчи иқтисодий ислохатлар амалга оширилди. Яъни бунда, бозор иқтисодиётига мос келувчи банк фаолиятининг адекватлилигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилди (хусусан, банкнинг замонавий хизматлар пакетини шакллантириш). Банк фаолиятини такомиллаштириш ва банк соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ муаммолар мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кунининг марказида тўрибди.

Бизга маълумки, банк - бу молиявий хизмат кўрсатадиган ва мижозларининг пул маблағларини бошқариб тўрадиган муассаса ҳисобланади. Банк фаолиятини самарали бошқарилиши учун мижозларнинг маблағлари асос ҳисобланади. Банкнинг мижозлар билан ишлаш фаолияти ўз ичига миллий ва чет эл валютасида касса-ҳисоб хизмати, депозит операциялари, кредитлаш, лизинг, факторинг, вексель операциялари, банк кафиликлари ва кафолатларини олади. Агарда банк ўз мижозларига етарли даражада хизмат кўрсатмаса, у ҳолда банк мувофақиятсизликка учрайди, чунки ҳар қандай банк ресурс базасининг негизини мижозларнинг маблағлари ташкил қилади.

Мижозларни жалб қилиш бўйича рақобатнинг ўсиб бориши банклардан ишни янги усулларда ташкил қилишни ва янги турли хил банк хизматларини тадбиқ қилшни тақозо этади. Тижорат банкнинг мувоффақияти кўп жиҳатдан унинг тақдим қилаётган хизматлари мижознинг молиявий эҳтиёжларига қанчалик мос келиши, улар қанчалик даражада сиффатли ва рақобатбардош бўлишига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўзларида мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар, хусусан янги

технологиялар, банк маҳсулотлари ва хизматлари, мижозлар билан турли хил шаклларда алоқа боғлаш.

Мижозлар билан ҳисоб-китоб қилишда Internet, телефон ва модем каби алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда янги ҳисоб-китоб шакллари ривожланиб бормоқда. Банклар корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатишда дебет ва кредит пластик карточкаларидан фойдаланишга ўтмоқдалар, муассасаларда банкоматлар ўрнатилмоқда. Фукаролардан коммунал тўловлари қабул қилувчи банклар тармоғи кенгайиши билан бир қаторда, мижоз жойлашган жойдаги бўлинмалар орқали иш ҳақиларни бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Мижоз - ҳар бир банк учун муҳим шахс ҳисобланади. Ривожланган мамлакатдаги кўпчилик банкларда мижозлардан хизмат кўрсатишда нима ёқиши ва нима ёқмаслиги тўғрисида сўров ўтказилади. Шу ўринда белгилаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида мижозлар ўртасида сўровнома ўтказиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Бизга маълумки, сўровнома – бу маркетингнинг компоненти ҳисобланади, бу орқали мижознинг хоҳишини, молиявий эҳтиёжини ва мижознинг банк хизматлари бўйича дидини билиш мумкин бўлади. Тижорат банкларнинг ходимлари албатта мижозлардан банк маҳсулотлари ва хизматлари уларни қанчалик даражада қаноатлантирганлигини аниқлашлари, яна қандай банк хизматларига эҳтиёжлари мавжудлиги билан қизиқиб кўришлари лозим. Мазкур маълумот оғзаки ёки ёзма, яъни анкета ёки таклифлар журналинини тўлғизиш, ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини марказлашган ҳолда бошқариш тизимидан воз кечилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасида халқаро битимлар иштирокчилари сони бир мунчага кўпайди. Мамлакатимиз тижорат банкларининг кўпчилиги халқаро ҳисоб-китоблар ва чет эл валютасидаги бошқа операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан ташқи инвесторларни жалб қилиш сиёсати жадал олиб борилаётган, тижорат банкларнинг зиммасига

миллий ва чет эл валютасида халқаро-ҳисобкитоблар фаолиятини, битимлар, шартномалар ва бошқа халқаро фаолиятларни сифатли ва халқаро коидаларига мос равишда олиб бориш вазифаси юклатилди. Бу билан белгилаб ўтиш жоизки, ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизматларини кўрсатишни тўғри ташкил қилиш учун етук ва профессионал банк ходимларини тарбияламоқ лозим.

Мамлакатимиз банк амалиётида мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжлари бугунги кунгача ҳали чуқур таҳлил қилинмаган. Бугунги кунда халқаро банк амалиётидаги мавжуд янги банк хизматларидан қай бири мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кулланилиши ҳолати ўрганиб чиқилмаган, банк хизматлари соҳаси бўйича етарли даражада маълумотлар тўпланмаган ва ўларни тизимга солиш жараёни етарлича амалга оширилмаган.

Бугунки кунда халқаро банк ишида *микромолиялаш* амалиётини куллаш ва уни ривожланиши кўзатилмоқда. Мазкур жараён аҳолининг кам таъминланган қатламига ва бизнесини энди ташкил қилган микрокорхоналарга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ва даромадлилигини ошириш учун бундай микромолиялаш хизматлари муҳим ҳисобланади. Бунинг учун камбағалликка қарши глобал стратегик кўрашнинг асосини ташкил қилган микромолиялаш хизматларини қуллаб қувватлашнинг стратегиясини туғри белгилаб олиш зарур. Бунда, тадбиркорликка ва кам даромадли аҳолига илғор хизматлар кўрсатиш қаторида бўлган ссудаларни ноананавий шаклида суғурталаш, суғурталаш эвазига қулай сундириш графикларини жорий қилиш ва хизматлар спекторини кенгайтириш, шунингдек, суғурталаш эвазига эластик жамғарилувчи ҳисобрақамлардан фойдаланиш каби хизматларни жорий қилиш лозим бўлади.

Молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг мавжуд

бўлиши ҳар қандай мамлакатдаги ихтиёрий ҳажмдаги корхонанинг ривожланиши ва гуллаб яшнаши учун муҳим ҳисобланади. Бундай имкониятни ташкил қилиш айниқса ссудалар, жамғаришга эҳтиёж сезаётган кам таъминланган оилаларга, шунингдек кичик ва микрокорхоналарни қуллаб қувватлаш амалиётида мураккаб ҳисобланади.

Олдинги йиллар давомида микромолиялаш соҳаси мамлакатнинг ривожланиш сиёсатида кам аҳамиятли ҳисобланган бўлса, бугунги кунга келиб эса, ҳудудий ва миллий миқёсда камбағалликка қарши кўрашиш ва даромад олишни қуллаб қувватлаш борасида юқори потенциалга эга бўлган биринчи даражали йўналишларидан ҳисобланади.

Молиявий хизматлар, аҳолининг кам таъминланган қатламини кўтилмаган ҳолатдарда, яъни касалликдан, оила боқувчисининг ишга лаёқатсиз бўлиб қолишидан ёки ўлиmidан, табиий офатлар ва бошқа кризис ҳолатларда ҳимоялаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Молиявий хизматлардан фойдаланиш шароитининг мавжуд бўлиши, пул маблағлари ва истеъмол моллари чегараланган пайтда кам таъминланган оилаларга болаларини мактабларга ва олий ўқув юртларида таълим олишда, дори-дармон сотиб олишга ва бошқа қийин даврларни бошдан ўтказишда кўмак беради.

Иқтисодиётнинг ривожланиши бир текисда ўтиши ва камбағаллик даражасини пасайтириш учун микромолиялаш муҳим иқтисодий категория ҳисобланишига қарамасдан, бугунки кунда бу соҳа етарли даражада ривожланмаган, аҳолининг кам таъминланган қатлами ўртасида мазкур хизматлар борасида тарғибот ишлари етарлича йўга қўйилмаган, шунингдек мазкур хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро молия институтилари билан амалга оширилажак чоар-тадбирлар мажмуаси керакли кўламларда белгилаб олинмаган.

Маълумки, ҳукуматимиз томонида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш ва аҳоли даромадлари салмоғини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Бунинг учун қишлоқ жойларда банк хизматларини ривожлантириш лозим бўлади. Қишлоқ жойларда аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлади ва бу соҳа мавсумий характерга эга бўлади. Банклар, қишлоқ жойларда ўз филиалларини ташкил қилиш учун харажатлар қопланмаслик каби муаммоларга дуч келади ва натижада ҳудудларда ўз тармоғини ташкил қилиш ниятидан аксарият ҳолларда воз кечади. Бугунки кунда мазкур муаммони ҳал қилиш учун “*мобил ходимлар*”, яъни жойларга бориб хизмат кўрсатувчи ходимлар амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобайман. Банкнинг бундай хизмат турини жорий қилиш натижасида банкларда қўшимча харажатлар салмоғини камайтириш ва қишлоқ аҳолисига, ҳусусан хўжалик юритувчи субъектларга оператив банк хизмат турини кўрсатишга эришиш мумкин бўлади.

Бир неча йиллар давомида микромолиялашни қўллаб қувватлаш амалиёти кўпчилик мамлакатларнинг молиявий ҳолатини кескин ўзгартириб юборди. Шунингдек, мазкур хизматлар бир неча юз минглаб миждозларни ўз ичига қамраб олиб, тижорат банкларини фаолият кўрсатишда янгиликлар ихтиро қилишда рағбарлантирди. Бир бирига ухшаш бўлмаган Қирғизистон, Уганда ва Боливия каби мамлакатларида кредит ташкилотларининг миждозлар базасининг асосий қисмини микромолиялаш иштирокчилари ташкил қилади. Масалан, Боливияда АҚШдаги ривожланиш бўйича халқаро агентлиги (ХРА)нинг микромолиялаш дастури бўйича омонатчилар ва қарздорлар сонини кўпайтириш эвазига молия хизматлар секторини кенгайтиришга ва умуман мамлакатдаги молия бозорларининг ижобий ўзгартирилишига эришилди.

АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (ХРА)нинг микромолиялаш дастури асосан унинг ривожланган ва ўтиш даврида бўлган мамлакатлардаги миссиялари орқали амалга оширилади. Бугунги кунга келиб халқаро микромолиялаш агентлигининг элликка яқин миссиялари микромолиялаш ва микрокорхоналарни ривожлантириш дастурларини қўллаб қувватламоқдалар. Агентлигининг фондлари Африка,

Лотин Америка ва Кариб бўғози мамлакатлари, Осиё, Яқин шарқ мамлакатлари, Европа ва Евроосиё мамлакатлари ўртасида тенг тақсимланади.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш, янги иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш, учун корхоналарга иш капиталани қўллаб қувватлашда қарз маблағлари, асбоб ускуналар учун узоқ муддатли ссудалар, жамғариш ва тўлаш учун бошқа инвестициялар ва хизматлар керак бўлади. Ўз даромадлари ва активларини кўпайтириш, шунингдек оила аъзоларининг кўпайиши, маракалар ўтказиш, уқиш учун тўлов ва бошқа кутилмаган ҳолатлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун оилалар эластик жамғарилувчи ҳисобрақамлар, пулларни ўтказиш хизматлари, суғурталаш, уй-жой учун ссудалар каби хизмат турларига эҳтиёж сезадилар. АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (ХРА) эса ўз навбатида айнан мана шу эҳтиёжларни қондирувчи хизматларни яратиш билан боғлиқ фаолиятларни молиявий қўллаб қувватлашга ўз маблағларини жойлаштиради.

Фикримча, мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатлами учун молиявий хизматларни тадбиқ қилиш учун АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги кўмагидан фойдланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мазкур агенлтикнинг кўмаги кам таъминланган оилалар имкониятидан келиб чиқиб ва уларнинг эҳтиёжларини тўла қонли қондириш имкониятини берувчи қўшимча манба ҳисобланади. Агентлик билан биргаликда ҳамкорлик қилиш орқали, мамлакатимизда қўшимча молиявий хизматларни яратиш билан бир қаторда, ишсизлик ва камбағаллик даражасини пасайтириш муаммосини хал қилишимиз мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш механизминини такомиллаштириш, банк хизматлари портфелини самарали бошқариш юзасидан таклифлар бериш, банк хизматлари бозори маркетингини тўғри йўлга қўйиш ва халқаро банк

амалиётидаги замонавий банк хизматларини, шунингдек, янги банк хизматларини тадбиқ қилишда тижорат банкларнинг масъулиятини ошириш, хатто бу ҳақда мамлакатимиз банк қонунчилигида белгилаб бериш масалалари нафақат тадқиқот ишининг, балки молия-кредит соҳасининг бугунги кун долзарб муаммоси ҳисобланади.

I боб бўйича хулоса

Тижорат банкларининг кредитлари банк фаолиятида асосий ўрин тутган операциялардан биридир. Ўзбекистон Республикаси «Банк ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни»да банк терминиға тушунтириш берилганда бу ташкилот учта операцияни албатта амалға ошириши кераклиғига урғу берилган бўлардан бири кредит бериш операциясидир^{1 2}. Жаҳон банк фаолиятида банк терминиға молиявий универмағ деган тушунча берилганиға карамай кредит операциялари барча банклар фаолиятида муҳим ўрин эғаллаган.

Банкларнинг кредит сиёсати – банкларнинг кредитларни олиш ва бериш борасидаги стратегия ва тактикасидир.

Банк кредит сиёсати банк хизматчиларининг кредитларни расмийлаштириш, бериш ва бошқариш борасидаги Ўз фаолиятларида амал қиладиган стандартлари, миқдори (параметрлари) ва жараёнларини аниқлаб беради.

Кредитлар ажратиладиганда банк ходимлари томонидан, савдо ташкилоти чакана савдо учун олиб келмокчи бўлган махсулотини талаб даражасини ўрганиб чиқиши, яъни маркетинг билан шуғуланганлигини билиш керак. Агарда сотиладиган товарлар бозор талабларига жавоб бермаса, харидорлари кўп бўлса ажратилган кредитлар рискға тортилмайди.

^{1 2} Ўзбекистон Республикаси «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Т.: Ўзбекистон. 1996 й. 25 апрел

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан активлар ва пасивларни бошқариш масалалари бир-биридан алохида-алохида кўриб чиқилади, бироқ амалиётда улар ўзаро боғлиқдир. Банк балансининг пасив қисмидаги жалб этилган маблағларнинг манбаларини таҳлил қилмасдан актив операцияларни амалга ошириш кийин . Тижорат банки йўналтириладиган ресурсларни депозитлар муддатлиги асосида вақти-вақти билан аниқлаш ва тартибга солиш муаммосига дуч келади. Масалан, миқдорнинг қушимча кредит бериш тўғрисидаги илтимосини қондириш учун шу пайтда банкда маблағлар етарли еки етарли эмаслигини депозит фондини кенгайтириш имконияти қанчалик реаллиги билиш лозим . Банк активлари ва пасивларини мохирлик билан бошқариш унинг бир маромдаги фаолиятини таъминлашнинг гарови бўлиб, жаҳон тажрибасида активлар ва пасивларни бошқаришнинг амалий моделларига асосланган бир қанча усуллари ишлаб чиқилган. Хозирги пайтда жаҳонда активлар ва пасивларни бошқаришнинг қуйидаги иккита асосий усули кенг тарқатилган:

- умумлашган манба усули;
- фондларнинг манбаларини бўлиш усули.

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пасив операциялари дейилади^{1 3}. Пасив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пасив ва актив – пасив счётидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради.

Кредит беришда ҳам, унинг баҳосини белгилашда ҳам банкнинг кредит бўлими учун қарор қабул қилиш жараенини енгиллаштириш. Одатда бу нарса риск тоифаларини ракамлар еки харфлар билан аташ, уларни классификация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Юқоридаги баён қилинган барча вазифалар хозирги кунда республикаимизда мавжуд бўлган барча тижорат банклари учун долзарб, бирламчи, вазифалар бўлиб ҳисобланади.

^{1 3} Лаврушин О.И. Банковское дело. М.: Ф иС. 2003 г.

II боб. Ўзбекистон Республикасида миқозларга банк хизматларини кўрсатиш амалиётининг таҳлили.

1. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳолатининг таҳлили .

Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан олиб борилган изчил ислохотлар банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга қаратилди. Жумладан, ўтган 2014 йилда банк тизимида ислохотлар давом эттирилгани ҳолда, банкларнинг молиявий воситачилик ролини ошириш мақсадида аҳоли ва корхоналар жамғармаларини банк акциялари ҳамда омонатларга кенг жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш ва мазкур маблағларни тақсимлаш самарадорлигини кучайтириш ишлари амалга оширилди.

Банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш юзасидан 2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида банклар капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2010 йилда 1 январдан бошлаб хусусий банклар учун 2.5 млн АҚШ доллар эквиваленти, акционерлик тижорат банклари учун эса 5 млн. АҚШ доллар эквивалентигача етказиш ишлари амалга оширилди.

2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастурдаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши эвазига, банклар миқозларга банк хизматларини кўрсатиш салмоғини оширди ва тижорат банкларнинг капиталлари миқдори йил бошига нисбатан 97 млрд. сўмга ёки 10.4% га, 2006 йилда эса 1028 млрд. сўмни ташкил этди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, банкларнинг капиталлашуви натижасида жисмоний шахс бўлган акциядорларни жалб қилиш амалиётига ҳам катта эътибор берилди. Хусусан, 2014 йил 1 октябр

ҳолатига кўра жисмоний шахс бўлган акциядорларнинг сони 119 мингтани ёки банк тизимидаги барча акциядорларнинг 63.5% ни ташкил этган.

2010-2014 йилларда банк активларини кўпайтириш бўйича амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида банк активлари ўтган 2010 йил бошига нисбатан 1489 млрд. сўмга ёки 26.4% га ошиб, 2014 йилда 7120 млрд. сўмни ташкил қилди.

Мижозларга банк хизматларини кўрсатиш салмоғининг ошиб бораётганлигини тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишга доимий равишда эътибор қаратилаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Хусусан, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи ўтган йил бошига нисбатан 190 млрд. сўмга ёки 42.4 фоизга ортиб, 2014 йил 31 декабр ҳолатига кўра 640 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, аҳоли омонатлари банклардаги жами депозитларининг 28 фоизини ташкил қилди

Шунингдек, банклар томонидан 3 йилдан ортиқ муддатга ажратиладиган инвестицион кредитлардан олинадиган даромадлар ўз капиталини оширишга йўналтирилган тақдирда, мазкур маблағлар даромад солиғидан озод этилиши ҳам банклар томонидан узоқ муддатли инвестицион кредитлар ажратиш билан боғлиқ бўлган банк хизматларини ривожлантириш учун муҳим туртки бўлди.

Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қуватлашни кенгайтириш мақсадида 2013-2014 йил якунларига кўра, вилоятда кичик бизнес субъектлари (9713 та лойиҳа)га ажратилган кредитлар ҳажми 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 373,0 млрд. сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,5 млрд. сўмга кўп)ни ташкил этди ва 2014 йил учун белгиланган 263,1 млрд. сўмлик прогноз кўрсаткичи 142,0 фоизга бажарилди ҳамда соҳада 19842 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

**Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини
тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш**

млн.сўмда

Т/ р	Банк номи	2013 йилда	2014 йилда	Фарқи	
				(+;-)	%
1	Миллий банк	32732	39741	7009	121
2	Агробанк	37730	39861	2131	106
3	Асакабанк	15315	18884	3569	123
4	Микрокредитбанк	49309	62471	13162	127
5	Ўзсаноатқурилишбанк	32788	31667	-1121	97
6	Ипотека-банк	17575	23000	5425	131
7	Савдогарбанк	2205	2883	678	131
8	Қишлоқ қурилиш банк	20732	31751	11019	153
9	Туронбанк	10375	12334	1959	119
10	Алоқабанк	6155	10831	4676	176
11	Ҳамкорбанк	15266	19856	4590	130
12	Халқ банки	37472	47791	10319	128
13	Ипак йўли банк	8825	13622	4797	154
14	Asia Alliance Bank		18286	18286	-
	Жами	286480	372979	86498	130

Манба: Қашқадарё вилояти марказий банк маълумотлари

Ажратилган кредитларнинг 106,1 млрд. сўми микрокредитларни ташкил этди 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 25,4 млрд. сўмга ёки 132,0 %га ошган, 98,6 млрд. сўмлик прогноз 108,0 %га бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433 сонли ва 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325 сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорларига асосан пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш ишлари янада яхшилаш мақсадида муайян ишлар олиб борилди.

**Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига
тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида
ажратилган кредитлар миқдори**

млн.сўмда

Т/р	Банк номи	2012 йилда	2013 йилда	Фарқи	
				(+;-)	%
1	Миллий банк	8041	10425	2384	130
2	Агробанк	8974	11712	2738	131
3	Асакабанк	1763	2353	590	133
4	Микрокредитбанк	24496	28509	4013	116
5	Ўзсаноатқурилишбанк	3619	4360	741	120
6	Ипотека-банк	3010	3934	924	131
7	Савдогарбанк	818	1074	257	131
8	Қишлоқ қурилиш банк	8191	11448	3256	140
9	Туронбанк	1667	2616	948	157
10	Алоқабанк	2872	4088	1216	142
11	Ҳамкорбанк	3943	6246	2302	158
12	Халқ банки	9503	13456	3953	142
13	Ипак йўли банк	3778	5104	1327	135
14	Asia Alliance Bank		784	784	-
	Жами	80676	106110	25435	132

Манба: Қашқадарё вилояти марказий банк маълумотлари

Тижорат банкларининг вилоятдаги филиаллари томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш мақсадида 2014 йил 1 январь ҳолатига 996249 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилган бўлиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 237455 донага ёки 131,3 фоизга ошди.

Ушбу муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг 268459 таси бюджет ташкилотлари ходимларига, 195566 таси пенсионерларга, 138212 таси ижтимоий нафақа олувчи фуқароларга ҳамда 394012 таси бошқа хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларга берилди.

Хусусан, 2014 йил 1 январь ҳолатига пенсия олувчиларнинг - 81%, нафакахўрларнинг – 79%, бюджет ташкилотлари ходимларининг - 100%, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг - 100% банк пластик карточкалари билан таъминланди.

2014 йил 1 январь ҳолатига вилоятдаги мавжуд савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи шохобчаларга жами 9681 дона (2013 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 1888 донага ёки 124,2 фоизга ошган) ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган бўлиб, шундан авиация ва темир йўллар патталарини сотиш кассаларига 30 та, меҳмонхоналарга 15 та, автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларига 475 та, суғурта ташкилоти ва молиявий бозордаги бошқа субъектларга 26 та, савдо шохобчаларига 6924 та, дорихоналарга 427 та, умумий овқатланиш корхоналарига 319 та, уй-жой коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчаларига 223 та, телефон, шу жумладан уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчаларига 567 та, алоқа бўлимларига 77 та, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва оммавий маданий тадбирларга 33 та, банк ва мини-банкларга 400 та ва бошқа савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи шохобчаларга 165 та терминаллар ўрнатилди.

2014 йилнинг январ-декабрь ойлари давомида вилоят ҳудудида пластик карточкалар орқали жами 1588 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 557.7 млрд. сўмга ёки 154 % га ошган.

Бундан ташқари, вилоятдаги тижорат банклари томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 9 та банкомат ва 49 та инфокиосklar ўрнатилган.

Тижорат банкларида ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar орқали исталган банкнинг пластик карточкаларидаги маблағларни юклаш (загрузка) имконияти яратилган.

Бугунги кунда пластик карточкалар ва тўлов терминаллари “On-line” тизимига ўтказиш юзасидан маълум даражада ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган барча тўлов терминаллари янги тизим дастурлари билан таъминланди тижорат банклари томонидан 333 минг донадан зиёд “On-line” тизимида ишловчи пластик карточкалар муомалага чиқарилди.

АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”нинг фаолияти таҳлил қилинганда қўйидаги ҳолатни кўзатиш мумкин бўлади. Қўйида мазкур тижорат банкининг 2010-2014 йиллардаги баланс маълумотлари келтирилган (3-жадвал). Мазкур жадвал маълумотлариги қараганда, банкнинг жами активлари 2010-2014 йиллар давомида кескин ўсиш тенденциясига эга бўлган. Активларнинг ўсишига ссуда ва олиш учун ҳисобланган фоизлар салмоғи ҳам сезиларли даражада таъсир қилган. Жумладан, 2010 йилда ссуда ва лизинг операциялари 121 564,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 163 324,5 млн. сўм ёки 34% га, 2012 йилда 181 802,5 млн. сўм ёки 11,3% га, 2005 йилда 232 615,5 млн. сўм ёки 27,9% га ва 2014 йилда 305 106.2 млн. сўмни ташкил қилган ёки 31,2% га ошган.

1.3-жадвал.

**АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”нинг баланс маълумотлари
ДИНАМИКАСИ (млн. сўм).**

Баланс кўрсаткичлари номи	31.12.2010	31.12.2011	31.12.2012	31.12.2013	31.12.2014
1	2	3	4	5	6
Активлар					
Нақд пуллар ва бошқа касса хужжатлари	5 889,0	20 569,2	16 150,2	18 432,1	31 038,9
ЎзРМБдан олиниши лозим бўлган маблағлар	5 495,0	9 927,7	29 878,8	28 935,1	45 517,7

1.3-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар	27 082,6	28 525,1	31 410,1	74 137,8	79 099,9
Сотиш-сотиб олиш хисобрақамлари	3 659,4	3 963,7	3 355,4	2 727,8	2 513,8
Ссуда ва лизинг операциялари	121 564,6	163 324,5	181 802,5	232 615,5	305 106,2
Соф инвестициялар	248,1	537,0	614,0	818,6	1 941,3
Асосий воситалар	4 512,2	7 738,5	11 246,3	15 849,0	21 483,1
Олиш учун хисобланган фоизлар	1 325,1	2 012,3	4 228,4	5 455,9	6 449,0
Банкнинг бошқа мулки	0,0	2,5	337,6	601,3	499,2
Бошқа активлар	4 420,1	3 074,4	5 745,0	6 336,9	28 553,2
Жами активлар	174 196,0	239 675,0	284 768,3	385 909,9	522 202,3
Активларнинг ўсиш суръати	100%	138%	119%	136%	135%
Мажбуриятлар					
Талаб қилиб олинганча бўлган депозитлар	48 871,9	67 362,5	66 380,3	115 154,7	187 733,6
Жамғарма депозитлари	516,1	260,5	4 586,3	28 042,9	23 785,5
Муддатли депозитлар	8 402,0	20 922,6	22 793,1	13 372,2	48 406,2
Бошқа банкларга тўланиладиган маблағлар	1 352,2	1 503,3	2 260,7	1 088,8	10 381,9
Тўланилиши лозим бўлган ссудалар	87 622,8	111 737,3	120 738,3	140 390,2	147 176,6

1.3-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
Тўлаш учун ҳисобланган ссудалар	48,9	283,4	344,8	642,3	908,0
Бошқа мажбуриятлар	7 653,4	9 414,3	32 610,7	46 637,2	56 119,1
Жами мажбуриятлар	154 467,3	211 484,0	249 714,2	345 328,2	474 510,8
Активларнинг ўсиш суръати	100%	137%	118%	138%	137%
Акционер капитал					
Оддий акциялар	6 817,1	7 852,9	8 023,6	8 400,0	9 517,2
Имтиёзли акциялар	1 195,0	1 297,0	1 800,0	1 800,0	1 800,0
Қўшилган капитал	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Девальвация учун захира	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тақсимланмаган фойда	11 680,7	16 827,5	22 922,1	28 515,4	34 656,3
Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолагандаги қўшимча қиймат	35,9	2 213,6	2 047,4	1 866,2	1 718,0
Жами капитал	19 728,7	28 191,0	34 793,1	40 581,6	47 691,4
Жами пассивлар	174 196,0	239 675,0	284 768,3	385 909,9	522 202,3

Манба: Ат Ўзсаноат қурилиш банки маълумотлари

Демак, АТ “Ўзсаноақурилишбанки” хужалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга кредитлар тақдим қилишда хизматлар банк хизматлари соҳасини изчил ривожлантириш сиёсатини олиб борган.

Берилган ссудалар, очилган ҳисоб рақамларга хизмат кўрсатиш ва бошқа банк хизматлари бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар саломғи ҳам утган охириги беш йил давомида ўсиш суръатига эга бўлган. Жумладан, кўрсатилган банк хизматлари бўйича олиш учун

ҳисобланган фоизлар миқдори 2010 йилда 1 325,1 млн. сўмни, 2011 йилда 2 012,3 млн. сўмни, 2012 йилда 4 228,4 млн. сўмни, 2013 йилда 5 445,9 млн. сўмни ва 2014 йилда 6449,0 млн. сўмни ташкил қилган.

АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”да айниқса 2012-2014 йиллар даврида мабойнида хизматлар соҳаси салмоғининг кескин ошиши кўзатишга эришилган. Агар биз банкда хизмат кўламининг ошишини ҳисобланган фоизлар нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 4.9 пунктга ортиқ банк хизматлари кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин.

АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”нинг мажбуриятлари таркибидаги депозит базаси тақриби таҳлил қилинганда, банк томонидан аҳолининг буш пул маблағларини банкнинг талаб қилиб олинган, жамғарма ва муддатли депозитлардаги қолдиқлари ҳолатини кўришимиз мумкин (1.4-жадвалга қаранг).

1.4-жадвал.

АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”нинг депозит базаси динамикаси
(млрд. сўм).

Депозитлар тури	31.12.2010	31.12.2011	31.12.2012	31.12.2013	31.12.2014
Талаб қилиб олинганча бўлган депозитлар	48,9	67,4	66,4	115,2	187,7
Жамғарма депозитлари	0,5	0,3	4,6	28,0	23,8
Муддатли депозитлар	8,4	20,9	22,8	13,4	48,4

Манба: АТ Ўзсаноат қурилиш банки маълумотлари

1.4-жадвал маълумотларига асосланган ҳолда айтиш жоизки, АТ “Ўзсаноатқурилишбанки” аҳолига депозит хизматларини кўрсатиш миқдорини 2014 йилда 2010 йил бошига нисбатан талаб қилиб олинган депозитлар бўйича 3.8 пунктга, жағариб боришувчи депозитлар бўйича 47.6

пунктга ва муддатли депозитлар буйича 5.8 пунктга ошишига эришган. Яъни 2014 йилда 2010 йилга нисбатан мижозларнинг банк депозитларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳолати қарийб 4.5 пунктга ошган.

Бунда банкнинг депозит базаси таркибида талаб қилиб олинadиган депозитлар асосий салмоқни эгаллаб, таркиби хужалик юритувчи субъектларнинг жорий ҳисоб рақамлари ва жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинadиган маблағларидан ташкил топган. 2013-2014 йилларда аҳолининг жамғариб бориловчи ва муддатли депозитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасида ижобий натижаларга эришилган.

АТ “Ўзсаноатқурилишбанки” фаолиятининг таҳлил натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, банкда мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида ўсиш тенденциясига эришилган бўлсада, кредитлаш амалиётида жисмоний шахс бўлган истеъмолчи сонини кўпайтириш лозим. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолининг баъзи қатламлари ўзининг шахсий манфаатлари учун истеъмол кредитларига мухтож бўладилар. Бунда банклар иқтисодий ислохотларни ўтказилишини қўллаб қўвватлаш мақсадида аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган эҳтиёжини қондириш орқали оптимал кредит сиёсатини юритиши лозим бўлади.

Мижозларнинг депозитга бўлган эҳтиёжини максимал қондириш мақсадида АТ “Ўзсаноатқурилишбанки”да жамағариб бориловчи ва муддатли депозит турларининг янги шаклларини тадбиқ қилиш жараёнини жадаллаштириш лозим. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши билан бир қаторда, аҳолининг шахсий даромадлари ҳам ошиб бормоқда. Бизга маълумки, аҳоли даромадлари қанчалик ошиб борса жисмоний шахс бўлган истеъмолчининг банк депозитларига бўлган эҳтиёжи шунчалик ошиб боради, яъни бу икки кўрсаткич бир-бирига туғри пропорционал кўрсаткичлар ҳисобланади.

2. Мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини баҳолаш ва уларнинг қондирилганлик даражасини аниқлаш.

Банк хизматларини истеъмолчиларга янада яқинлаштириш, уларга қулайликлар яратиш ва эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банкларининг хизматлар кўламини ошириш, уларни миждозларга қулай бўлган жойга етказиш ва банк хизматлари шакллари кўпайтириш лозим.

Банкларда бирон-бир янги хизмат турини тадбиқ қилишдан олдин, мазкур хизмат турига бўлган эҳтиёжларнинг кўламини ва уларнинг ҳолатини аниқлаш лозим. Бундай жараёни амалга ошириш ва реал натижаларга эришиш учун банк амалиётида маълум бир қонуниятга асосланган механизмдан ёки иқтисодий жараёнларни ўзаро бирлаштирувчи моделдан фойдаланиш зарурияти туғилади. Бугунки кунда миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш жараёнини иқтисодий маънога эга бўлган маълум бир кўринишга келтиришга ҳаракат қилинган бўласада, бу соҳада конкрет модел хали тадбиқ этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек тадқиқот ишининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини баҳолаш ва уларнинг қондирганлик даражасини аниқлаш усули таклиф қилинади. Мазкур усул иқтисодий маънога эга бўлиши учун миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини белгилаб берувчи мавжуд барча параметраларини аниқлаб оламиз (2.1-жадвал):

Мазкур жадвалда кўрсатиб ўтилган позициялар бўйича маълумотлар таҳлили натижасида ҳудудий регионда миждозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳолатини ва уларнинг маълум бир банк хизматига эҳтиёжини аниқлаш имконияти мавжуд бўлади. Жадвалнинг 9 чи позицияси натижавий ҳисобланиб, миждозларнинг банк хизматига мавжуд бўлган эҳтиёжларини ва уларнинг қондирилганлик даражасини ифодалайди.

№	Параметлар тарифи
1.	Худудий регионда мавжуд бўлган хужалик юритувчилар сони.
2.	Худудда фаолият кўрсатаётган мижозларнинг хизмат соҳаси.
3.	Мижозларнинг истикболдаги бизнес режалари борасида ўтказилган маркетинг натижалари.
4.	Худудий регионда мавжуд бўлган банкларнинг сони.
5.	Банкларнинг мижозларга қулай жойлашиши.
6.	Худудий региондаги тижорат банкларининг хизматлар портфели.
7.	Банкнинг мижозлар билан ишончли алоқа ўрнатиш қобилияти.
8.	Пайдо бўладиган имкониятларга банкнинг мосланувчанлиги.
9.	Янги банк хизмат турининг муҳимлик даражасини аниқлаш.

Мижозларга банк хизматларини яқинлаштириш мақсадида тижорат банклари узоқ жойлашган хужалик юритувчи субъектлар учун банк шаҳобчаларини очишга мажбур бўладилар. Бундай фаолият ўз навбатида, банкдан доимий равишда қўшимча харажатларни талаб қилади. Мазкур ҳолатда жадвалнинг 8 позициясидан фойдаланиш таклиф қилинади, яъни банкда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш лозим, хусусан узоқ жойлардаги хўжалик юритувчи субъектларга “*мобил ходимлар*” орқали банк хизматини кўрсатиш. Бунда тижорат банклари қўшимча харажатларни қилмаслик ва мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўладилар.

Бугунги кун хориж банк амалиётида “улгуржи банк бизнеси” – “ритейил-банкинг” каби банк хизматлари кенг тарқалмоқда. “Ритейил-банкинг” хизмат турининг маъноси -жисмоний шахсларга кенг кўламда банк хизматларини тақдим қилишни билдиради. Лекин бугунги кунда мазкур хизмат тури такомиллаштирилиб, хусусий тадбиркорларни ҳам ўз ичига қамраб олади. “Ритейил-банкинг” хизмат тури хизматлар тўплами

ҳисобланиб, миждозларнинг талаб ва тақлифидан келиб чиқиб тижорат банклари уни таркибига хизматлар элементини қўшиш орқали кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Охирги вақтларда ғарбий европа тижорат банклари мазкур хизмат турини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки мазкур хизмат тури миждозларнинг банкка бўлган ишончини оширади ва улар томонидан хизмат кўрастилувчи банкни ўзгартирилишини олдини олади. Мазкур усул орқали миждозларни сегментлаш юқори миқдорларда фоизли спредларни олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, улгуржи миждозларга нисбатан кам суммада кредитлар тақдим қилиш амалиёти мазкур соҳада кредит рискларни диверсификациялайди. Улгуржи банк хизматларида миждозларнинг кўп сонли бўлиши банк маркетингини ривожланишига ва банк хизматларининг реализация қилинишига сабаб бўлади. Аммо мазкур турдаги банк хизматида камчиликлар ҳам мавжуд. Биринчидан, банкда замонавий технологиялар мавжуд бўлмаган тақдирда кўп сонли миждозларга бир пайтнинг ўзида улгуржи банк хизматларини кўраситиш борасида муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Иккинчидан, кенг тармоқдаги банк филиаллари орқали таннарни арзон бўлган тарнзакцияларни ўтказиш натижасида қўшимча харажатлар салмоғи ошиб кетиши мумкин.

2014 йилда ғарбий европа банкларининг “ритейл-банкинг” хизмат туридан олган соф фойдаси инвестиция фаолиятларидан олган фойдадан сезиларли даражада ошган бўлиб, кўпчилик йирик универсал банкларда хусусий капиталга нисбатан 15-20% ни ташкил қилган.

Бельгия, Буюкбритания ва Швеция каби мамлакатларида тижорат банкларининг “ритейл-банкинг” хизмат туридан олган даромадлари миқдори солиқ тўлашгача бўлган умумий даромаднинг ярмидан кўпини ташкил қилган. Испания, Италия ва Франция каби мамлактларида эса мазкур банк хизматларидан олган даромадлари солиқ тўлашгача бўлган умумий даромаднинг қарийб ярмини ташкил қилган.

Бундан ташқари Ғарбий Европа банк амалиётида юқори даражада моддий таъминланган мижозлар учун “private banking” банк хизмат турини тақдим қилиш амалиёти тадбиқ этилмоқда. Мазкур хизмат тури VIP-тоифадаги мижозлар учун мулжалланган бўлиб, улгуржи мижозларга хизмат кўрсатиш сегментига нисбатан даромадлироқ ҳисобланади. “Private banking” хизмат турининг маъноси кенг кўламдаги хизматлар спектридан фойдаланиш мақсадида мижоз йирик миқдорда (бир неча юз минг АҚШ доллари) пул маблағлари билан иштирок этиши лозим бўлади. Мазкур хизматлар спектрига нафақат стандарт шаклдаги хизматлар, балки ўз капитали доимий равишда характда бўлиш билан боғлиқ бўлган банк ҳисобрақамлари операциялари, пластик карталар, индивидуал равишда солиқ тўловларини режалаштириш, молиявий ва инвестицион консалтинг, инвестиция, мижознинг активлари ва кўчмас муликини бошқариш каби хизматлар ҳам киради. “Private banking” банк хизмат тури оддий принципга асосланган, яъни пуллар ишлаши ва ўз эгаларига максимал даражада даромад келтириш лозим.

Охирги йиллар давомида жаҳон банк амалиётида қўйидаги янги банк маҳсулотлари жорий қилинди: “all-in-card”^{1 4}, “all-in-net”^{1 5}, “all-in-mobile”^{1 6}, “all-in-counter”^{1 7}, “телефон-банкнинг”, “Интернет-банкнинг” ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасида улгуржи банк хизматлари бозори ривожланиш жараёнида. Шу билан бирга, мамлакатимизда тижорат банклари ўртасида рақобатнинг кучайиши, шунингдек улгуржи хизматларга бўлган талабнинг ошиши янги банк хизматларини жорий қилиш ва банк амалиётининг улгуржи сегментини кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

^{1 4} Бир карточка орқали миллий ва хорижий валютада жорий ва муддатли депозитлар бўйича битимларни амалга ошириш мумкин.

^{1 5} Бир карточка ёрдами интернет орқали банк тарнзакцияларини амалга ошириш мумкин.

^{1 6} Уяли телефон орқали банк ҳисоб рақами ҳақида маълумот олиш ва маблағларни кўчириш мумкин бўлади.

^{1 7} Бир касса орқали банк хизматлари пакети тақдим қилинади.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан стандарт хизматлар пакетига кирувчи қўйидаги хизматларни тақдим қилмоқдалар: пластик карточкалар, ҳудудий ва халқаро пул ўтказмаларининг турли хил тизмилари, “банк-мижоз” тизими ва бошқа истеъмол кредитлари, брокерлик хизматлари, микрокредитлаш, коммунал тўловларни қабул қилиш махсус пунктлари, савдо терминаллари, банкоматлар ва йўл чеклари.

Пластик карточкалари мамлакатимиз аҳолиси томонидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Тижорат банклари томонидан икки турдаги пластик карточкалари жорий қилинган: сўмдаги маҳаллий карточкалар ва халқаро пластик карточкалари. Бугунки кунда республикамизнинг йирик тижорат банклари, шу жумладан ТИФ Миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанки”, “Асака” банки, ДТ “Халқ банки, «Агробанки» томонидан кенг қўламда пластик карточкалар эмиссия қилинган. Мазкур карточкалар ҳисоб-китоб қилиш жараёнини осонлаштириб мижозлар учун жуда қулай ҳисобланади.

Улгуржи банк хизматларининг классик кўринишларидан бири бу аҳоли қўлидаги буш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш ҳисобланади. Мазкур банк хизмат тури мижозлар орасида машҳур бўлиб, улар томонидан кенг қўламда фойдаланилади. Банкка бўлган ишончни ошириш мақсадида 2002-2003 йилларда қабул қилинган “Аҳолининг банклардаги омонатларининг кафолатланганлиги тўғрисида” ва “Банк сири” қонунларининг қабул қилиниши аҳоли буш пул маблағларининг банк депозитларига оқиб келишини жадаллаштирди. Бундан ташқари банкларнинг лицензияси чақириб олинган тақдирда аҳоли омонатларининг қайтариб беришини кафолатлайдиган Жамғарма ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойида қабул қилинган “Банклардаги ҳисоб варақаларидан маблағларни ўзликсиз таъминланиши тўғрисида”ги 147-сонли Фармонининг қабул қилиниши ҳам

мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада ошириш борасида ижобий омил бўлди.

Ўтган охириги беш йил давомида аҳоли даромадининг ўсиши банк депозитларига маблағларнинг қўшимча оқиб келишига туртки бўлди. 2014 йилда аҳоли депозитларининг ўсиши 2010 йилга нисбатан 89.7% ни, 2011 йилга нисбатан эса 31.8% ни ташкил қилди. Бунда миллий валюта ҳисобида депозитлар 2010 йилда 70.6% га, 2011 йилда 76.7% га, 2012 йилда 79.4%га, 2013 йилда 81.2%га ва 2014 йилда 83.1% га ошган.

Жами жалб қилинган депозитлар таркибида аҳоли депозитлари салмоғи 2013-2014 йиллар давомида 24.6% дан 25.4%га ўсган, бунда жисмоний шахслар депозитида муддатли ва жамғариб бориловчи депозитларнинг миқдори 2013-2014 йиллар давомида 75.8% дан 78.2% га ошган. .

Улгуржи банк хизматлари бозорида “банк-мижоз” хизмат турини ресапубликамизнинг “Асака” банки, “Ипотека банки”, “Кредит-Стандарт”, “Ипак йўли” банки, “Тарстбанки”, “Алп Жамол банки”, “Парвина банки” каби кредит муассасалари мижозларга тақдим қилмоқда.

Ўзбекистонда Weterн Union, MoneyGram, Travelex, Migom, Interexpress ва “Быстрая почта” каби пул жунатиш халқаро тизимлари мавжуд. Мазкур хизмат турларини мижозларга тақдим қилиш ҳуқуқи фақат тижорат банкларига берилган.

Улгуржи банк хизматлари бозори Ўзбекистонда хали кенг кўламда ривожланмаган. Тижорат банклари янги банк маҳсулотларини тадбиқ қилиш орқали улгуржи хизматлар бозорини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мустақкам ҳуқуқий базанинг мавжуд бўлиши ва банк инфратузилмасининг ривожланиши республикамизда улугржи банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланиш имкониятини беради.

II боб бўйича хулосалар.

Юқорида Ўзбекистон Республикаси АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг Қашқадарё вилояти филиали ижтимоий соҳага ажратилаётган кредитларнинг таҳлил натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1). Ўзбекистон Республикаси АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки ўзининг кредитлаш амалиётида асосан саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ва ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш учун кредитлаш билан фаолият кўрсатади;

2). Банк ўз даромад келтирувчи активларини доимий равишда кенгайтириб бориш имкониятини берувчи доимий мижозларига эга;

3). Банкнинг 2011-2014 йиллар мабойнидаги кредит портфелининг ўсиш тенденциясига кўра қарз олувчиларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини берувчи мустаҳкам капитал базасига эга;

4). Қарз олувчиларга кредитлар тақдим қилишда банк томонидан муаммоли кредитлар миқдорини ўсиш ҳолатига йўл қуйилган, бу эса ўз навбатида банкнинг акционерлари манфаатига салбий таъсир қилади;

5). Юқоридаги салбий ҳолатларга қарамасдан, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг тақдим қилинган кредитлар салмоғининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, охириги беш йил давомида муаммоли кредитлар миқдорини камайтиришга эришган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва қилинган хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг кредит портфелини бошқаришда банк мененджментини яхшилаш, кредит ходимларининг касбий билимларини ошириш, қарз олувчилар тўғрисида етарича маълумотлар тўплаш, кредит портфелини ўз вақтида сиффатли таҳлил қилиш, умуман кредитлаш механизмини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайман.

III боб Мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондириш механизмини такомиллаштириш йуллари.

1. Мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ва унинг хатарини тартибга солиш амалиётининг такомиллаштириш усуллари.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан унга хос бўлган иқтисодий муносабатлар ҳам объектив равишда намоён бўла бошлади. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларига банк хизматларини кўрсатишни ривожлантириш ва уларнинг янги шакллари тадбиқ қилиш амалиёти ҳам шундай муносабатлардан биридир.

Банк хизмати ўз моҳиятига кўра хизмат кўрсатувчи (тижорат банки) билан мижоз ўртасидаги маълум бир ҳақ олиш эвазига иқтисодий-молиявий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ муносабатларни ифодалайди. Банк хизматининг муҳим хусусияти томонларнинг ўзаро манфаатларини қондиришга йўналтирилганлигидир. У нафақат иқтисодиётнинг бир турдаги иштирокчисига, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли бўлган субъектларига хизмат қилиш имкониятига эга. Банк хизматининг айнан мана шу жиҳати тижорат банкларининг универсалланиш имкониятини билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа соҳалардаги сингари, банк соҳасида ҳам кучли рақобат юзага келади. Бундай шароитда илғор банк гуруҳлари сафида бўлиш ва иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга чидамли бўлиш учун тижорат банклари ўз амалиётида давомида янгиликларга оператив равишда мослашишлари ва хизмат кўрсатиш соҳасини доимий равишда такомиллаштириб боришлари лозим бўлади.

Тадқиқот иши натижаларига кўра хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизнинг бугунги кун тижорат банкларининг хизматлар пакети деярли бир хил қолифга эга, яъни кўпчилик тижорат банкларида бир хил турдаги хизматлар пакети шакллантирилган. Бунда, тижорат банклари

Ўзларининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб банк хизматларини кўрсатишда mijozларга турли хил шароитлар таклиф қилинган, яъни депозитлар ва кредитлар фоизининг паст ёки юқори бўлиши, вакиллик ҳисобрақамлар, касса ва бошқа хизматлар учун хизмат ҳаққи миқдори турли хил бўлиши. Бундай шароитда янги банк хизматларини жорий қилиш билан бир қаторда, хизмат кўрсатишда вужудга келадиган хатарларни назорат қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, самарали назорат, тартибга солиш ва фаолиятни тўғри баҳолаш тизими, тижорат банклари фаолиятидаги хатарлар билан боғлиқ муаммолар чигаллашиб кетишининг олидини олади.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида жорий қилинажак янги банк хизматларининг бозор хатарларига сезгирлигини баҳолашда, миқдор ва сифат омилларини эътиборга олиш лозим. Бунда, кўпчилик ҳолларда mijozлар сони банкда тақдим қилинаётган хизматлар кўламига боғлиқ бўлади. Яъни тижорат банки қанчалик хизматлар пакетини ривожлантирса банкдан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони ҳам шунчалик ошиб боради. Банк хизматлари турини диверсификациялаш амалиёти, бозор иқтисодиёти шароитида mijozларнинг миқдорини ва турини кўпайтиришга имконият беради. Банк хизматлари бозорида рақобатчилик мавжуд бўлиши банк хизматларининг сифатини оширишни тақозо қилади. Чунки, маълум турдаги банк хизматлари барча тижорат банкларида мавжуд бўлган тақдирда, mijoz мазкур хизмат турининг арзон ва сифатли таклиф қилаётган тижорат банкида хизмат кўрсатилишини истайди, ва бунинг натижасида mijozларнинг банкни алмаштириш жараёни кескинлашади. Демак, бундай шароитда тижорат банкларида сифатли ва замонавий банк хизматларини жорий қилиш лозим бўлади. Хусусан, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкнинг mijozлари таркибида асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, улар бозор иқтисодиёти шароитида фаолият турини тез-тез ўзгартириб туриш хусусиятига эга

бўладилар. Бунинг натижасида мазкур миждозлар бошқа турдаги банк хизматларига эҳтиёж сезадилар. Яъни, бунда миждознинг фаолият тури ўзгариши оқибатида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкнинг миждозлар базаси камайиши ва улардан олинадиган даромадлар миқдори пасайиши хатари мавжуд. Мазкур хатар даражасини камайитириш мақсадида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида янги банк хизматларидан бўлган “ритейл-банкнинг”, яъни чакана банк хизматларини кўрсатиш амалиётини ривожлантириш лозим бўлади. Банкда хизматлар спекторни кенгайтириш, яъни бир миждозга бирқанча банк хизматлар пакетини кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини ўзгаририши билан боғлиқ муаммоларини ечимини топиш мумкин бўлади. Хусусан, бир миждозга банкнинг ягона иш жойидан бир қанча банк хизматларини кўрсатиш амалиётини ривожлантириш ҳам мазкур хатарнинг олдини олиш имкониятини беради. Чунки, миждозларга энг қўлай банк хизматларини кўрсатиш амалиёти ҳам миждозни банкда олиб қолиш ва янги миждозларни жалб қилиш учун муҳим омил ҳисобланди.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ ҳудудларида ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Бунинг натижасида мазкур ҳудудларда банк хизматларининг бозорлари кенгайиб, тижорат банклари томонидан ўзларининг махсулотларини сотиш имконияти кенгаймоқда. Мазкур шароитда йирик ва кўп филиалларга эга бўлган банкларнинг имконияти юқори бўлиб, кичик ва кам тармоқли филиалларга эга бўлган тижорат банклари учун кучли рақобатни вужудга келтирадилар. Хусусан, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки ҳам кам тармоқли филиаллар таркибига эга бўлиб, ўз хизматларини аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга яқинлаштириш борасида маълум даражада муаммоларга дуч келади. Натижада, банкнинг ҳудудий филиалларида янги ташкил қилинаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига миждозлар кўламини оширмаслик ва қушимча даромад олмаслик билан боғлиқ хатарлар пайдо бўлади.

Мазкур хатарларни олдини олиш мақсадида қишлоқ ҳудудларда мини банклар сонини мумкин қадар ошириш ёхуд узоқ жойларда жойлашган аҳоли учун “мобил ходимлар” хизматини ташкил қилиш лозим бўлади. Бунда, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг хизмат кўрсатиш доирасини мамлакатимизнинг чакка ҳудудларигача кенгайтириш ва мумкин қадар миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконияти пайдо бўлади.

АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки иқтисодчиси ёки муттасади ходими томонидан янги жорий қилинажак банк хизмат турларининг даромад ва капиталга акс таъсир кўрсатувчи бозор хатарларига сезгирлик имкониятини баҳолаши лозим бўлади. Баҳолаш вақтида тижорат банкининг хатарларини баҳолаш ва ўлчаш трендига, баҳолаш ва ўлчовларни аниқлигига ва шу билан бир қаторда, жорий ҳолат, айниқса, ўзгарувчан ва ноаниқ фоиз ставкалари бўйича сезгирлик даражасига фикр мулоҳазалар беришлари лозим. Фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар тижорат банкларини йўқотишларга ва банк фаолиятининг ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин. Бозор хатарлариги сезгирлик компоненти (яъни бозор иқтисодиёти шароитида янги банк хизмат турининг зарурийлиги) фоиз ставкалари, валюта курслари, ресурс нархлари ўзгариши мезонини тижорат банкларининг даромадлари ва капиталига сезгирлик мезонини баҳолайди. Янги банк хизмат турини жорий қилиш муҳим жараён ҳисобланади, чунки жорий қилинган банк хизмат тури банк фаолиятига комплекс таъсир қилиш мумкин, яъни даромадлилигига, ликвидлик ҳолатига, банк капиталига ва ниҳоят банк имиджига. Тижорат банкининг имкониятини, яъни ходимларнинг профессионал билимлари, молиявий ресурслари, замонавий технолигияларнинг мавжуд бўлиши, халқаро кредит ташкилотлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, филиаллар тармоғи, банк менеджменти ва ҳоказоларни ҳисобга олмасдан ва чуқур таҳлил қилмасдан янги банк хизматларини жорий қилиш, банкни пировард натижасида қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.

АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки қишлоқ хўжалик соҳасидаги субъектларга ҳам кенг кўламда банк хизматларини кўрсатаётганлигини ҳисобга олсак, мазкур субъектларга банк хизматини янада яқинлаштириш мақсадида қишлоқ ҳудудларда хизмат кўрсатиш марказларини очилишини жадаллаштириш лозим. Қишлоқ жойлардаги аҳолига банк хизматларини тақдим қилиш мақсадида, бу борада махсус тайёрланган банк ходимларининг жойларда хизмат кўрсатишини ташкил қилиш амалиёти ҳам жисмоний шахсларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш имкониятини беради.

“Ипотека тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги, ипотека кредитлашнинг зарурий меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги муносабати билан ва жисмоний шахсларнинг уй-жой қуриш, сотиб олиш мабойнида моддий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида ипотека кредитларини ривожлантириш ва ушбу соҳага ажратилган кредитлар миқдорини кенгайтириш лозим. АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки томонидан ипотека кредитларини тақдим қилиниши жисмоний шахсларнинг мазкур банкка бўлган ишончини янада оширади ва ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ҳимоялаш дастурларида белгилаб берилган асосий йўналишлари талабини бажарилишини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб утқанимиздек АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки қишлоқ хўжалиги секторига кенг кўламда банк хизматларини кўрсатади. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мазкур секторнинг иштирокчилари ўзларининг фаолиятларини бошлашда мулкни сотиб олишда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Бундай ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар банк кредитаридан ташқари лизинг хизматларига ҳам эҳтиёж сезадилар. Бу ўринда АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки ҳам ўз навбатида мижозларга лизинг хизматларини тақдим қилиб, қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қушиб келмоқда. Лизинг хизматлари тижорат банклари учун кам хатарли

бўлганлигини ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган асосий йўналишлардан бири эканлигини ҳисобга олсак, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида мазкур хизмат турини ривожлантиришни жадаллаштириш лозим.

Ҳар қандай инвестициянинг остида маълум моддий манфаатдорлик ётади. Жаҳон амалиётида тан олинган, инсон учун энг самарали ва зарур инвестиция-бу таълим олиш учун сарфланган бойликдир. Чунки, ушбу таълим орқали эгаллаган касб келажакда юқори миқдорларда даромад олиб келиши мумкин. Замонавий банк тизими айнан таълим соҳасини кредитлаш мақсадида жисмоний шахсларга кредитлар таклиф этади ва бу орқали ёшларнинг олий таълимини чуқур эгаллашларига билвосита ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда олий таълимни кредитлаш дунёнинг 60 га яқин мамлакатида амалга оширилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли “Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Қарорига кўра 2002 йилдан бошлаб мамлакатимизда ҳам тижорат банклари томонидан таълим кредитлари ажратила бошланди. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг таълим олишларини кредитловчи ушбу кредит тури “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ажралмас бўғинига айланиб бормоқда. Олий таълим учун бериладиган кредитларнинг бир қанча афзалликлари мавжуд бўлиб, улар кам таъминланган оилаларнинг фарзандалирига олий маълумот олишда кенг кўламда ёрдам бериши мумкин. Бинобарин, мамлакатимизда мазкур банк хизматига эҳтиёж сезаётган мижозлар сони кўп миқдорни ташкил қилиб, уларнинг сони ҳар янги ўқув йилида кўпайиш тенденциясига эга. Ушбу турдаги кредитнинг Яна бир эътиборга молик томони шундан иборатки, уни бевосита таълим олувчига эмас, балки унинг ота-онаси ёки васий шахсга берилади. Яъни, бунда талаба кредитнинг фоизларини тўлаш имконияти бўлмаса тўловларни унинг яқинларидан тўлаб бориши талаб этилади. Мазкур турдаги мижозларнинг эҳтиёжини қондириш жисмоний шахсларнинг

тижорат банкларига бўлган ишончини янада оширишни ва аҳоли қулидаги буш пул маблағларини банк депозитларига оқиб келишини ҳисобга олсак, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида талаба кредитларини тақдим қилиш кўламини ошириш ва бу амалиётни ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Тадқиқот натижаларига кўра АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки қимматли қоғозлар билан ишлаш амалиётини сушт олиб бораётганлиги маълум бўлди. Бугнги кунда мулкчилик шакллари ривожланиши ҳолати кўпчилик ҳолларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги билан баҳоланади. Бинобарин, мазкур жараёнда тижорат банкларининг иштироқи ҳам муҳим ҳисобланади. Бу борада АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида қимматли қоғозларни фонд бозорларида жойлаштириш, уларни сотиб олиш ва сотиш, депозитарий хизматларини ривожлантириш каби амалиётларни ривожлантириш ҳам хатарсиз ҳам миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёждларини оптимал қондириш йўналишларидан бири ҳисобланади.

АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг хизматлар пакетини ҳалқаро банк хизматлари андозаларига яқинлаштириш, банк имеджини янада ошириш мақсадида, замонавий компьютер ва коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда “private banking”, “all-in-net” (Бир карточка ёрдами интернет орқали банк тарнзакцияларини амалга ошириш), “all-in-mobile” (Уяли телефон орқали банк ҳисоб рақами ҳақида маълумот олиш ва маблағларни кўчириш) каби замонавий банк хизматларини ривожлантириш лозим. Чунки, бугнги кунда мамлакатимизда компьютер, коммуникация техникалари ривожланганлиги, хусусан “Интернет” бутун жаҳон тармоғи орқали муомалалар бажариш имконияти мавжуд эканлигини ҳисобга олсак, юқорида таъкидлаб утилган янги банк хизматларини тадбиқ қилишда ҳеч бир тусқинлик мавжуд эмас деб ҳисоблайман. Мазкур замонавий банк хизматларини жорий қилиш натижасида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки юқори пул оқимида эга бўлган

корпоратив мижозларни сонини кўпайтиришга ва кўрсатилаётган хизматлардан даромад олиш салмоғини оширишга эришиши мумкин бўлади.

Мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ва унинг хатарини тартибга солиш амалиётининг такомиллаштириш борасида қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин бўлади:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тижорат банкларининг хизматлар пакетини ривожлантириш билан бар қаторда унинг хатар даражасини ҳам таҳлил қилиш муҳимдир. Чунки, мижозларнинг маълум бир банк хизмат турига бўлган эҳтиёжларини пухта таҳлил қилмасдан уни амалиётга тадбиқ қилиш, банк фаолиятига салбий таъсир қилиши ва хатто унинг баланс ликвидлигининг бўзилишига олиб келиши мумкин;

- банк хизмати ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларига хизмат кўрсатиш ва улар билан ўзаро иқтисодий муносабатда бўлиш имкониятига эга. Айнан мана шу хусусият орқали тижорат банкини универсалар молия муассасасига айлантириш мумкин бўлади;

- бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимида рақобат муҳитининг кескинлашиши натижасида мижозларга хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш лозим бўлади. Бунинг учун республикамизнинг қишлоқ жойлардаги мижозларга банк хизматларини янада яқинлаштириш учун минибанклар ёки бошқа чакана хизмат кўрсатиш марказларини очиш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади;

- бозор хатарлариги сезгирлик компоненти (яъни бозор иқтисодиёти шароитида янги банк хизмат турининг зарурийлиги) фоиз ставкалари, валюта курслари, ресурс нархларининг ўзгариши тижорат банкларининг даромадлари ва капиталига сезгирлик мезонини баҳолайди. Демак, бу борада тижорат банклари томонидан янги банк хизматларини жорий қилишда, бозор хатарларига сезгирлик омилиги алоҳида эътибор қаратишлари лозим;

- замонавий банк технологияларни тадбиқ қилишда банк ходимларининг касбий билимларини оширишга кучли эътибор бериш муҳимдир. Чунки, замонавий банк янгиликларидан хабари бўлмаган ва жорий қилинажак банк хизматларини пухта ўзлаштирмаган банк ходимлари билан амалиётни юритиш, банк имджига, мижозлар базасига ва пировард натижасида банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкин;

- республикамиз аҳолисининг истеъмол кредитларига бўлган талабини янада қондириш ва бу борада хатарлар даражасини камайтириш мақсадида ликвид таъминот турларидан бирини гаровга олиш йўли билан кредитлаш амалиётини ривожлантириш лозим. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг маълум бир қатлами шахсий эҳтиёжи учун қўшимча молия маблағларига эҳтиёж сезади. Бунда ҳукуматимизнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларига фаол қатнашиш ва банк манфаатини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган эҳтиёжни янада қондириш, тижорат банкларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади;

- янги банк хизматларини самарадорлигини ошириш ва уларнинг хатар даражасини камайтириш мақсадида тижорат банкларида маркетинг фаолиятини ривожлантириш лозим. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, бугнги кунда тижорат банкларида банк хизматлари бозорида маркетинг амалиёти етарли даражада йўлга қўйилмаган. Чунки, кўриб чиқилган давр мабойнида республикамиз тижорат банкларида бир-биридан сезиларли даража фарқ қилувчи ва мижозлар учун кенг кўламда қулайликлар яратилган янги банк хизмат тури кўзатилмади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳатлар тижорат банкларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бунда, мазкур ислоҳатларни молиявий ва ижтимоий томондан қўллаб-қувватлашда тижорат банклари ўзларининг аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатидагиан хизматлар кўламини кенгайтириш ва уларнинг эҳтиёжини

янада қондириш муҳим ҳисобланади. Бинобарин, мазкур йўналишларда банк амалиётини ривожлантириш мақсадида замонавий технологилардан, ривожланган мамлакатлар банк тизими тажрибаларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини жорий қилишни кескин ривожлантириш лозим деб ҳисоблайман.

Республикамиз тижорат банклари, хусусан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки молиявий ҳолатга салбий таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини янада қондириш ва мазкур соҳада хатарларни камайтириш имкониятини берувчи маркетинг тизимига асосланган банк стратегиясини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Бозор иқтисодиёига ўтиш даврида миқозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш йуллари.

Маълумки, бугунги кунда аҳолига тақдим этилаётган банк хизматлари янада кенгайиб бормоқда. Шунга қарамай, кредит муассасаларининг мавқеи, уларнинг тобора мустақамланиб бораётган ишончлилиги — муваффақият мезонидир. Ҳозирда бозордаги мавжуд вазият ҳамиша ўзгариб бораётган бир шароитда банк маҳсулоти миқоз учун жозибадор ҳамда миқоз талабига хос бўлиши лозим. Бу борадаги мамлакатимиз тижорат банкларининг асосий фаолиятлари йўналишлари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юз бераётган ўзгаришларга ўзларининг янги ва замонавий маҳсулотлари билан оператив равишда ижобий таъсир қилиши ва мослашувчанлигини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамизда мавжуд барча тижорат банларида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларининг ижросини таъминлаш, ҳамда

хукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ва кўрсаткичлардан келиб чиқиб ўз иш-режаларини белгилаб, аҳолига янада қўлай банк хизматлари бозорини кенгайтиш борасида изланмоқдалар. Айниқса, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш воситаси саналган истеъмол кредитари сонини янада ошириб, банк хизматлари сифатини янада яхшилаш чораларини излаб топмоқдалар ва натижада аҳолининг бақларга бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки мижозларга ўз маҳсулотларини тақдим қилиб, Халқаро молия бозорида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда АТ “Ўзсаноат қурилиш” банк жаҳоннинг бир қатор нуфузли банклари “Импексбанк” (Россия), “Сбербанк” (Россия), “Внешторгбанк” (Россия) ва “Азия-Инвестбанк” билан ҳамкорликда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошираётганлигини, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мижозларга янада қўлайликлар яратиш мақсадида, “Credit Suesse” (Швейцария), “Commerz Bank” (Германия) каби жаҳоннинг бир қатор нуфузли банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилаётганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Республикамиз бўйича АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг барча филиалларида чакана хизмат кўрсатиш марказлари ташкил қилиниб, ушбу марказларда “Westrn Union”, “MonyGram”, “Travelex”, “Быстрая почта”, “Анелик” каби пул ўтказиш тизимлари ўзининг арзон ва тезкорлиги билан кўп сонли мижозларни жалб қилишга эришгани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан банк амалиётини ривожлатириш билан бир қаторда, банк хизматларини мижозларга кўрсатиш, хусусан уларни жойларда айниқса қишлоқ ҳудудларда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга етказиш масаласида хали маълум даражада хал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар тоифасига республикамиз аҳолисига янада жозибадор бўлган

муддатли ва жамғарилувчи депозитларни тақдим қилиш, аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида истеъмол товарларини (мебел, телевизор, компьютер, уй-рузғор буюмлари, маиший техника жиҳозлари ва бошқалар) истеъмол кредит ҳисобига сотиб олишга бўлган талабларини қондиришни жадаллаштириш, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи миждларга замонавий технология ва жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш кабиларни киритиш мумкин.

Республикамиз банк тизимида банк хизматини ривожлантиришда тижорат банкларида мавжуд муаммолар нималардан иборат эканлигини аниқ белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида бу муаммоларнинг долзарб эканлигини қайд қилиш лозим бўлади. Маълумки, республикамизнинг қатор қишлоқ ҳудудларида коммуникация ва инфратузилмаларнинг паст даражада ривожланганлиги, ушбу ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятининг сон ва сифат жиҳатидан ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Сабаби, мазкур ҳудудларда тадбиркорлик у қадар ривожланмаган, бинобарин, пул айланмалари чекланган ҳудудларда банклар томонидан янги филиаллар очиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Шунга қарамай, сўнги даврларда тижорат банклари учун яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банк томонидан қишлоқ ҳудудларида мини-банклар очилиб, у ерда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига хизмат кўрсатиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда ва бу йўналишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра кўриб чиқилган давр мабойнида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкининг хизматлар пакети таркиби сезиларли даражада ўзгармаганлиги маълум бўлди. Бу эса, банкда банк хизматлари бозорида ўрганиш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги ва бу борада аниқ маълумотларга таянган ҳолда хизматлар пакетини ривожлантириш сиёсати ижобий таризда олиб борилмаганлигидан далолат беради. АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида қисқа вақт ичида хизматлар

кўламини ривожлантириш мақсадида банк хизматлари бозорида маркетинг ишларини ривожлантириш, тўпланган маълумотларни бозор ўзгаришларига таъсирчан омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳил қилиш методини ишлаб чиқиш ва бунинг асосида янги банк хизматларини жорий қилиш бўйича чоар тадбирларни амалга ошириш лозим. Чунки, мазкур чора тадбирлар амалга оширилмас экан, банкда фаолият юритишнинг консерватив усули сақланиб қолиш билан бир қаторда, банк ишида рақобатчиликнинг кучайиши натижасида мижозлар базасининг камайишига ва даромадлилик даражасининг пасайишига сабаб бўлади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар ҳеч бир банк ходимини бефарқ қолдирмайди, албатта. Бу иқтисодий юксалишлар ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил иқтисодий ислохатлар натижасидир. Табиийки, иқтисодиётда эришилаётган ютуқларда республика банк тизмининг ўрни бекиёсдир. Банк соҳасидаги, жумладан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкидаги ислохатларнинг муҳим йўналиши – замонавий банк хизматлари кўламини тобора кенгайтириш ва уларнинг сифатини халқаро талаблар даражасига етказишдан иборат. Бинобарин, бугунги кунда банклар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатишда республикаимиздаги мавжуд тижорат банкларининг хизматлар пакетини такомиллаштириш ва хизматлар бозорини чуқур ўрганиш тақозо этилади.

Республикаимизда тижорат банклари томонидан мижохларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва хизматлар портфелини кенгайтириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Банк хизматларини амалга ошириш, мазкур фаолиятни тартибга солиш ва мижозлар манфаатини химоялаш борасида мустаҳкам ҳуқуқи-меъриё база шакллантирилган. Мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини янада қондиришни рағбарлантириш ва бунинг учун тижорат банкларига қўлай имкониятлар яратиш борасида, ҳукуматимиз томонидан барча шарт-

шароитлар яратилган бўлиб, бунда тижорат банклари фақат мазкур имкониятлардан оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилган холос.

Юқорида белгилаб утилган имкониятлар таркибига давлатлараро пул жўнатиш тизимини келтириш мумкин. Республикамизда ташқи дунё билан коммуникацион алоқа тизими ривожланган бўлиб, хориж мамлакатларига пул маблағларини жўнатиш ёки қабул қилиш амалиёти кенг жорий қилиш мумкин. Бунда, тижорат банклари томонидан мазкур банк хизмат турига миждозларни янада жалб қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, доимий равишда бир банк хизматидан фойдаланганлиги учун миждозни рағбарлантириш, бу борада реклама ташфиқот ишларини ривожлантириш каби амалиётларни фаоллаштириш лозим бўлади.

Тадқиқот олиб борилган давр мабойнида республикамиз аҳолисининг хориж давлатларига бориб меҳнат қилиши натижасида, мамлакатимизга эркин алмашинадиган валютанинг кириб келиш хажми сезилари даражада ошган бўлиб, бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлган. Яъни, бу ҳолат шундан далолат берадики, республикамиз аҳолисининг қулида жамғариш учун капитал шаклланиб келмоқда. Бинобарин, аҳоли ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида банк депозитларига маблағларни қўйишга интилади, яъни бу ерда тижорат банклари учун аҳоли қулидаги буш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш эвазига ресурс базасини кенгайтириш имконияти мавжуд. Бунинг учун тижорат банклари, мазкур банк хизматида бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унда миждозларнинг истак-ҳохишларини ҳисобга олган ҳолда оптимал депозит сиёсатини юритишлари лозим бўлади.

Нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларни қисқартириш ва нақдсиз ҳисоб-китобни ривожлантириш мақсадида пластик карточкалар билан бўладиган операциялар кўламини кенгайтириш лозим. Бунинг учун, республикамизда ягона клиринг маркази шакллантирилган бўлиб пластик карточкалар орқали керакли бўлган муомалаларни амалга ошириш учун

имкониятлар яратилган. Мазкур амалиётни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар учун имтёзлар берилган (солиқ базасидан чегириш), савдо нуқталарида терминалларни ўрнатиш бўйича ҳукуматимиз томонидан кўрсатмалар берилган. Бундай инфратузилманинг шаклланиши тижорат банклари учун пластик карточкалар орқали миждозларга банк хизматларини кўрсатишни ривожлантириш ва бу борада банк хизматларини такомиллаштириш учун қўлай имконият беради. Хусусан, пластик карточкалар орқали уяли телефон пулини тўлаш, солиқ, коммунал ва бошқа тўловларини, жисмоний шахсларнинг молия муассасаси олдидаги қарз маблағларини ва бошқа қатор тўлоларни тўлаш билан боғлиқ амалиётни ривожлантириш мумкин бўлади.

Миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини самарали қондириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тижорат банкларида миждозларга бир иш жойидан барча керакли бўлган банк хизматларини кўрсатиш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур тартибда миждозларга банк хизматларини кўрсатиш амалиёти ҳали етарли даражада ривожланмаган бўлиб, бу усулни ривожлантириш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш учун банкларда барча шарт-шароитлар мавжуд. Мазкур усулни тадбиқ қилиш натижасида биз миждозларнинг вақтини тежаган бўламиз ва уларнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир қиламиз. Мазкур амалиёт маркетинг тизимининг компонентларидан бири бўлиб, миждозларни бир банкда кўп муддатга ушлаб туриш имкониятини беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек янги банк хизматларини жорий қилишда, маркетинг қуролларидан кенг фойдаланиш лозим. Хусусан, бу борада миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганишда уларни сегментларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, турли хил мулк шаклидаги ва турли хил молиявий ҳолатга эга бўлган миждозлар сони кўпаяди. Бунда, банк

хизматларини жорий қилишда молиявий бақувват ва нисбатан молиявий ночор хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маслан, йирик пул оқимига эга бўлган ташкилотлар ва молиявий бақувват бўлган корпоратив ташкилотлар банк комиссияси юқори бўлишига қарамасдан сифатли банк хизматини кўрсатувчи ва юқори имиджга эга бўлган тижорат банкларини афзал кўрадилар. Гап буерда VIP хизматларини жорий қилиш ва ривожлантириш туғрисида бораётганлиги маълум. Бу борада тижорат банклари мазкур тоифадаги мижозлар учун махсус қулай бўлган хизмат кўрсатиш хоналарини ташкил қилиш ва бу амалиётни тадбиқ қилиши мумкин бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши билан бир қаторда замонавий технолоигялар ҳам кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Мижозлар базасида мустақкам пул оқимига эга бўлган йирик корхоналар сонини кўпайтиришда “Банк-мижоз” тизимини ривожлантириш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатимиз банк амалиётида мазкур банк хизмат тури қониқарли даражада ривожлантирилмаганлиги ва мижозлар ўртасида етарлича ташфиқот қилинмаганлиги маълум бўлди. Мазкур тартибда банк хизмат турини кўрсатиш учун тижорат банкларида етарлича компьютер ва коммуникация воситалари мавжуд бўлсада, бундай имкониятдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали қондиришда мазкур амалиётни такомиллаштириш лозимлигини ва бу тижорат банклари учун асосий имкониятлардан бири эканлигини белгилаб ўтиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида “ритейил”, яъни чакана хизмат кўрсатиш амалиёти тобора ривожланиб бормоқда. Тадқиқот ишининг олдинги бўлимларида, олинган жами даромадлар таркибида чакана хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар миқдори юқори салмоқни ташкил қилиши таъкидлаб ўтилган. Демак, бу фаолият

ривожланган мамлакатлар банк амалиётида ўз самарасини бераётган экан, буни республикамизда ҳам ўрганиш ва уни банк амалиётига тадбиқ қилиш лозим, шунингдек бундай усул тижорат банклари учун хизматлар портфелини кенгайтиришда муҳим имкониятлардан бири деб ҳисоблайман.

Мазкур параграфда бозор иқтисодиёига ўтиш даврида миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, бунда мавжуд камчиликлар, янги банк хизматларини жорий қилишда тусқинлик қилаётган муаммолар кўриб чиқилди. Республикамиз тижорат банклари томонидан миждозларга банк хизматларини кўрсатиш бугунги кун ҳолати таҳлил қилиниб, бунда мавжуд имкониятлар моҳиятини ёритишга, бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тижорат банклари миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини янада қондириш мақсадида, ўзларининг хизматлар портфелини кенгайтиришга интилмоқдалар. Лекин, тадқиқот натижаларига кўра тижорат банклари банк хизматларини кенгайтиришда мазкур бозорда маркетинг қуролидан самарали фойдаланмаётганлиги, ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан кенг кўламда танишиб бормаётганлиги ва замонавий компьютер, коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш ёрдамида хизматлар портфелини такомиллаштириш борасида етарлича ишлар олиб бормаётганлиги тўғрисида ҳулоса қилиш мумки.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган муаммоларнинг оптимал ечимини топиш ва тижорат банклари томонидан миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

1. Миждозларнинг банк хизматларига бўлган талабларини қондириш самарадорлигини янада ошириш борасида АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

2. Бугунги кун бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига хос шароит ва талабалардан келиб чиқиб банк хизматлар пакетини ривожлантириш. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётда турли хил мулкчилик муносабатлари келиб чиқади, бинобарин турли-хил банк хизматларига эҳтиёж сезадиган миждозлар сони кўпаяди, бундай шароитда эса тижорат банклари томонидан хизматлар пакетини кенгайтириш муҳим ҳисобланади.

3. Тадқиқот натижаларига кўра АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки депозит базасини асосан талаб қилиб олингунча омонатлар ташкил қилади. Бундан, кўриниб турибдики муддатли ва жамғариб бориловчи депозитлар бўйича миждозларнинг эҳтиёжларини қондириш самарадорлиги паст даражада. Бинобарин, мазкур банкда жозибадор бўлган муддатли ва жамғариб бориловчи депозитларнинг турларини жорий қилиш лозим. Бу орқали аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш ва депозитларга бўлган миждозларнинг эҳтиёжини қондириш даражасини ошириш мумкин.

4. АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида учинчи шахс фойдасига қабул қилинган тўловлардан олинган даромадлар салмоғи жами даромадлар таркибида нисбатан кам миқдорни ташкил қилади. Мазкур банк хизматини ривожлантириш бўйича конкрет чорат тадбирлар ишлаб чиқмоқ лозим (масалан, омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳисобига коммунал тўловларни тўлаш, аҳолига қўлай жойларда пўл тўловларини қабул қилиш марказларини ташкил қилиш ва ҳоказо). Бу билан мамлакатимиз аҳолисининг коммунал тўловлари ва бошқа йиғимларни банк кассаси орқали тўлаш каби хизмат турини ривожлантириш ва бундан даромад олиш кўламини кенгайтириш мумкин бўлади.

5. Тижорат банкларида кредитлаш соҳасида асосан тадбиркорлик ва давлат субъектларига эътибор қаратилган бўлиб, аҳолининг истеъмол кредитларига бўлган талабаларини қондиришга сезиларли даражада эътибор берилмаган. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг истеъмол товарлари

ва оила хўжалигига зарур бўлган бошқа мулкларни сотиб олишда зарур бўлган моддий маблағларга эҳтиёжларини қондиришда маълум даражада салибий таъсир қилади. Бинобарин, мазкур йўналишда аҳолининг дармадини ва бошқа муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда истеъмол учун қулай бўлган истеъмол кредитларини жорий қилиш амалиётни ривожлантириш лозим. Жумладан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган талабларни бажаришда ва кам таъминланган аҳолининг моддий маблағларга бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида истеъмол кредитларидан бўлган таълим кредитларини тақдим қилиш кўламини кенгайтириш лозим. Бу билан биз республикамизнинг барча соҳалари учун зарур бўлган малакали, хориж тажрибасини чуқур билувчи кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлдириб бериш имкониятига эга бўламиз.

6. Тадқиқот натижаларига кўра АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки мижозлар базасининг асосий салмоғини (44.1%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади. Бундай ҳолатда, банкнинг мазкур турдаги мижозлари замонавий банк хизматларига бўлган талаб даражасини оширади. Демак, тижорат банклари замонавий банк технологияларини ривожлантириши ва ривожланган мамлакатлар банк амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб улугржи банк хизматларини ривожлантириши бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

7. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий ўзгаришларни бошидан кечирар экан, банк тизмида шаклланаётган кучли рақобат шароитида замонавий банк технологияларни ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун янги банк хизматлари ҳисобланган “ритейл-банкнинг” (чакана банк бизнеси), “Интернет-банкнинг”, “private banking” (молиявий бақуват мижозларга хизмат кўрсатиш), “Банк-мижоз” ва ҳалқаро ҳисоб-китоблар каби хизмат турлари кўламини жорий қилиш ва кенгайтириш лозим.

8. Тижорат банклари учун мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларда банк филиалларини очиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслигини

ҳисобга олган ҳолда, аҳолига банк хизматларини янада яқинлаштириш ва уларга қўлайликлар яратиш мақсадида “мобил ходимлар” хизмат турини жорий қилиш лозим. Бу билан, банк хизмат турини кенгйтириш билан бир каторда, узоқ қишлоқ ҳудудларда жойлашган аҳолининг банк хизмат турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлади.

9. Банк томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларига банк хизматларини кўрсатиш кўламини ва самарадорлигини ошириш йўналишларининг бири бу банк филиалларини мумкин қадар кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун, тижорат банкларида республикаимизнинг қишлоқ ҳудудларида қушимча равишда мини банклар очиш ҳисобига уларнинг сонини мумкин қадар ошириш лозим. Бу билан банкнинг тармоқлар сонини кенгайтириш орқали юртимизнинг турли ҳудудларидаги миждозларга банк маҳсулотларини тақдим қилиш имкониятига эга бўламиз.

10. Тадқиқот натижаларига кўра, кўриб чиқилган давр ичида тижорат банкларининг хизматлар пакетида иновацион жараёнлар суст олиб борилган, яъни бир-биридан фарқ қилувчи конкрет янги банк хизматларини жорий қилиш амалиёти сезиларли даражада бўлмаган. Бундан келиб чиқиб, мазкур банк хизматлари бозорида мониторинг ишларини ривожлантириб, миждозлар эҳтиёжини аниқлашни тадқиқот ишида тақлиф қилинган усул ёрдамида аниқлаш, мазкур соҳада маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш асосида банк хизматлари спектрини кенгайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида тақдим қилинган тақлифлар бугунги кунда республикаимиздаги мавжуд тижорат банкларида муҳим ва долзарб масалаларнинг ечимини топишда имкон қадар ёрдам беради. Шунингдек, ҳозирги замон банк хизматлари бозорини янада такомиллаштириш борасидаги юқорида баён этилган мулоҳазалар ва изланишлар миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини аниқлашда ва

кондириш самарадорлигини оширишда, тижорат банкларнинг бу соҳада иновацион жараёнларини жадаллаштиришда муҳим туртки бўлишини алоҳида белгилаб ўтиш мумкин.

Мукаммал иқтисодий тизимга эга бўлган мамлакатнинг банк тизимини ривожлантиришда банк хизматлари бозорини кенгайтириш тақозо қилинади. Бу эса, ривожланиб бораётган республикамизнинг барча соҳалари учун сув билан ҳаводек зарур бўлган замонавий, халқаро андозаларга мос келувчи янги банк хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлдириб берувчи муҳим имкониятлардан бири ҳисобланади.

III боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган муаммолар, камчиликлар ва қилинган хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Ат “Ўзсаноат қурилиш” банки Қашқадарё филиалининг ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш учун кўриб чиқилган давр ичида муаммоли кредитлар салмоғининг маълум даражада ўсишига йўл қўйилганлиги кузатилди. Мазкур тартибда кредитлаш амалиёти давом эттирилган тақдирда муаммоли кредитларнинг ошиш хатари юқори бўлади.
2. Мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда математик аппаратдан кенг фойдаланиш, бу борада етакчи ва юқори савияли банк мутахассисларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда конкрет, таҳлил қилиш алгоритмларини ва методикасини ишлаб чиқиш лозим. Хусусан, мижоздан бизнес-режасини ишлаб чиқишида иқтисодиёт мавҳумийлигига катта эътибор бериш, миллий иқтисодиётда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олишни талаб қилиш.
3. Қарз олувчи кредит олганидан сўнг, унинг мажбуриятлари ошганлигини ҳисобга олган ҳолда яқин келажақдаги молиявий ҳолатининг истиқболини белгилаш амалиётини тадбиқ қилиш. Мазкур амалиётни

жорий қилиш орқали, мијознинг келажакдаги молиявий ва хўжалик фаолияти прогнозлаш ва мумкин бўлган хатарларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз.

4. Кредит портфелини диверсификациялаш амалиётини фаоллаштириш. Кредит портфелида хусусий тадбиркорлар салмоғи юқори салмоқни ташкил қилади. Бунда, кредит портфелини шакллантиришда иқтисодиётнинг турли тармоқларини кредитлаш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу йўл орқали кредит хатари даражасини камайтириш мумкин бўлади.

5. Кредит тақдим қилингандан сўнг фаолиятидаги режаларнинг ўзгариши борасида мијоздан тушунтиришлар беришни ташкил қилиш. Мазкур амалиётни ташкил қилиш натижасида кредит хатарларига оператив равишда таъсир қилиш имкониятига эга бўламиз.

8. Кредит таъминоти объектини баҳолаш амалиётини банкда ташкил қилиш. Бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда, таъминот объектини баҳолаш тажрибасига эга бўлган етук мутахассиларни банкка жалб қилиш, таъбир жоиз бўлса банкда штат бирлигини очиш лозим. Бугнги кунда, таъминот объектини махсус ташкилотлар баҳолаб, кўпчилик ҳолларда нореал баҳолаш амалиёти кўзатилмоқда. Бунинг натижасида, мијоз кредит шартномалари бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда, таъминот объектини реализация қилиш ва кредит маблағларини ундириш бўйича муаммоларга дуч келинмоқда. Оқибатда, кредит маблағлари ундирилмасдан таъминот объектлари ноликвид активлар сифатида банк эҳтиёрида узоқ муддатларга қолиб кетмоқда.

9. Банкда кредит портфели сифатини самрали бошқаришни ва мијозларнинг банк маблағларини ўз вақтида сундирилишини ташкил қилиш мақсадида тақдим қилинган кредит фоизларини ундириш вазифасини солиқ органларига юклаш. Маълумки, солиқ ходимлари хўжалик юритувчи субъекти билан тез-тез мулоқатда ва уни фаолиятини кучли назорат қилиб боради. Бунинг натижасида қарз олувчидан

маблағларни ундириш амалиётини фаоллаштириш имконияти мавжуд бўлади.

10. Банкнинг кредит сиёсатидаги стратегик йўналишларни белгилашда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий билимларига катта эътибор бериш, кредитлаш амалиёти замонавий технологилардан кенг фойдаланиш, шунингдек тақдим қилинган кредитларни мониторинг қилиш мабойнида қарз оловчилар билан ахборот алмашувини мумкин қадар автоматлаштириш. Мазкур йўналишларни амалга ошириш натижасида, кредит портфелини самарали бошқариш фаоллашади.

Юқорида белгилаб ўтилган тақлифларни Ўзбекистон Республикаси АТ “Ўзсаноат қурилиш банки” Қашқадарё филиали ижтимоий соҳани ривожлантиришда муҳим йўналишлар сифатида амалга ошириш натижасида, кредит портфелини сифатли бошқариш ва мазкур соҳада банк бошқарувини янада яхшилашда ижобий натижаларга эришиш мумкин деб ҳисоблайман.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқот ишида бугунги кунда тижорат банклари томонидан мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасини аниқлаш, мижозларнинг мазкур хизматларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва мазкур соҳа қай даражада ўрганилганлигини билиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилди.

Мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда устувор йўналишларни аниқлаб олиш мақсадида, республикаимизнинг илғор тижорат банкларидан бўлган АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки ва бир қанча йирик тижорат банкларининг фаолиятлари 2010-2014 йиллар давомида таҳлил қилинди ва аниқланган натижалар ўзаро таққосланди. Илмий ишда белгиланган масалалар ва муаммоларнинг моҳиятини тўлиқ ёритиш ва уларнинг оптимал ечимини аниқлаш мақсадида, ўтказилган таққослаш жараёнида мавжуд бўлган боғланишларни аниқлаш ва кўзатиш тенденцияларни таҳлил қилиш асосий мақсад сифатида белгилаб олинди.

Тадқиқот ишида, тижорат банклари, хусусан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида мамлакатимизнинг аҳолисига ва хўжалик юритувчи субъектларига тақдим қилинаётган банк хизматлар пакети, уларнинг сифати ва кўлами таҳлил қилиниб, бугунги кунда мазкур соҳани янада такомиллаштириш, шунингдек бу борада таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Чунки, бугунги кунда миллий иқтисодиётимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг банк хизматларига бўлган талабнинг усиб бориши мазкур соҳада тадқиқо ишларини амалга ошириш ва уни такомиллаштирилишини тақозо қилмоқда.

Ўтказилган тадқиқот натижалари ва билдирилган таклифларга таянган ҳолда тижорат банкларида хусусан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабини самарали қондириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Таҳлил қилинган тижорат банклари республикамизнинг молиявий барқарор банкларидан ҳисобланиб, мустаҳкам миқозлар базасига эга. Хизмат кўрсатиш соҳасида хатарлар даражасини камайтириш мақсадида миқозлар таркибини диверсификациялашга етарлича эътибор берилган. Бу ҳолатни миқозлар базаси таркибини таҳлил қилиш жараёнида кўзатилди. Бунда миқозлар таркибида кичик-ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ва давлат субъектларини келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз банк қонунчилигидан келиб чиқиб, банкда миқозларга банк хизматларини кўрсатиш мустаҳкам ички меъёрий базаси шакллантирилган. Яъни, тижорат банкларида хизмат кўрсатишни ва банк операцияларини тартибга солиш мақсадида банк Кенгаши томонидан тасдиқланган барча зарурий ички меъёрий ҳужжатлар шакллантирилган.

Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш дастурларида фаол қатнашиш мақсадида, мазкур соҳани молиявий ва ижтимоий қўллаб қувватлаш бўйича кредитлаш амалиёти кенг қўламда йўлга қўйилган. Бунинг натижасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга мумкин қадар ёндошилган. Тадқиқот ишида кўриб чиқилган давр мабойнида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш қўламининг ўсиш тенденцияси кўзатилган.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва давлат аҳамиятига эга бўлган йирик инвестиция лойиҳаларнинг банк хизматларига бўлган талабини қондириш самарадорлигини ошириш мақсадида банкда лизинг, факторинг хизматларини тақдим қилиш амалиёти жорий қилинган. Хусусан, охириги беш йил давомида таҳлил қилинган тижорат банкларида мазкур тартибда молиявий маблағларни тақдим қилиш амалиёти ривожлантирилганлиги ва иқтисодиётнинг реал секторларига хизмат кўрсатиш қўламининг ошиши кўзатилди.

Иқтисодиётнинг реал секторларини халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш амалиёти йўлга қўйилган. Бунда, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида чет-эл мамлакатларнинг маблағларини жалб қилиш ва уларни иқтисодиётнинг реал секторларини ривожлантиришга оптимал йўналтирилганлигини кўзатиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитларни тақдим қилишда бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларидан кенг кўламда фойдаланиш амалиёти фаоллаштирилган. Тадқиқот ишида фаолиятлари таҳлил қилинган тижорат банкларнинг амалиётида, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига кредитлаш амалиёти амалга оширилганлиги ва бу борада усиш тенденцияси мавжуд бўлганлиги кўзатилди.

Республикамиз аҳолисига замонавий банк хизматларидан бўлган Wetern Union, Money Gram, Travelex, Migom, Interexpress ва “Быстрая почта” каби пул жунатиш халқаро тизимлари орқали хизматлар соҳаси ривожлантирилган. Тижорат банкларнинг олинган даромадлари таркиби охирги беш йил давомида таҳлил қилинганда, унда пул жунатиш банк хизматидан сезиларли даражада даромадлар олинганлиги ва кўриб чиқилган даврда усиш тенденциясига эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларига банк хизматларини янада яқинлаштириш мақсадида минибанклар очилиши йўлга қўйилган. Тадқиқот ишида кўриб чиқилган АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида 2010-2014 йиллар мабойнида минибанклар сони ошган. Банк хизматларини узоқ қишлоқ чекка ҳудудларида жойлашган мижозларга янада яқинлаштириш мақсадида минибанклар сонини кўпайтириш режалаштирилган.

Республикамиз аҳолисини молиявий ва ижтмоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бу борада эҳтиёжларини қондириш мақсадида банкларда истеъмол кредитлари жорий қилинган. Мазкур кредитлар ёрдамида аҳоли уй-рузғор учун зарур бўлган техника ва мебелларни сотиб олиш,

фарзандларнинг уқиш контракт пуллари тўлаш ва бошқа шахсий истеъмол учун маблағларни ишлатиш имкониятига эга. Таҳлил қилиш жараёнида тижорат банкларида ипотека кредити кенг қўламда берилмаган маълум бўлди. Мазкур йўналишда охириги беш йил давомида сезиларли даражада кредит маблағлари миқдори ошмаган.

Аҳоли қулидаги буш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш мақсадида талаб қилиб олинадиган, жамғарилувчи ва муддатли депозит турларига нақд ва нақдсиз пул маблағларини қабул қилиш ва уларга фоиз даромадларини тўлаш хизмати йўлга қўйилган. Бироқ,, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида бошқа тижорат банкларидан фарқли улароқ мазкур депозитлар салмоғининг сезиларли даражада кўпайиши кўзатилмаган.

Тадқиқот ишида банк хизматлари бозорида олиб борилган изланишларнинг асосий натижаларини умумийлаштириш ва уларнинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинган. Бунда бозор иқтисодиёти шароитида юз бераётган мавҳумийлик шароитида банк хизматлари соҳасида хатарларни баҳолашга, уларнинг оптимал бўлган турларини жорий қилишга ва ички маркетинг хизматини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларнинг оптимал фаолиятини ташкил қилиш ва миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини самарали қондиришга имконият яратади.

Миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш, бунга мувофиқ янги банк хизматларини жорий қилиш методикасини белгилаб бериш тадқиқот ишининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу борада тижорат банклари учун илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Чунки, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра республикамизнинг бугунги банк амалиётида миждозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва бу борада конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш амалиёти суст олиб борилаётганлиги аниқланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимида шаклланаётган рақобат муҳитида янги банк хизматларининг муҳимлиги ва вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар даражаси ўрганилган. Бу соҳа ҳам илмий ишда муҳим йўналишлар сифатида белгиланиб, тижорат банклари учун мазкур амалиётни ривожлантириш тавсия қилинган. Бундан ташқари янги банк хизматларини жорий қилишда маркетинг қуролларидан кенг кўламда фойдаланиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Тадқиқот ишида сифатли хизматлар портфелини шакллантиришда маркетинг тизимининг муҳимлиги белгиланиб, банкда ички ва ташқи маркетинг хизматларини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Банк амалиётида янги хизматларнинг реализация қилинмасдан қолиб кетиши ёки унинг натижасида банкнинг даромадлиги пасайиб кетиши хатарлари мавжуд. Бу хатарлар даражасини камайтиришнинг бирдан-бир йўли сифатли банк хизматлар портфелини шакллантириш ва уни диверсификация қилишдан иборат. Тадқиқот ишида сифатли хизматлар портфелини шакллантириш методикаси ва диверсификациялаш амалиётидан кенг фойдаланиш таклиф қилинган.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида замонавий банк тизими томонидан аҳолининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирилиш ҳолати ўрганилиб, бу борада такомиллаштириш йўллари аниқланган. Тадқиқот ишида мижозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш мақсадида тижорат банкларида “чакана” банк хизматларини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Тижорат банкларида “чакана” банк хизматларини ривожлантириш муҳимлигини исботлаш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги банк тизимининг тажрибаси ўрганилган бўлиб, мазкур масаланинг моҳияти атрофлича ёритилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк тизимида мавжуд бўлган рақобат муҳити мижозлар учун янада қўлай бўлган янги банк хизматларини жорий қилишни тақозо қилади. Тадқиқот ишида мазкур

масаланинг ечимини топиш учун тижорат банкларида бир иш жойдан бир канча банк хизматларини тақдим қилиш амалиётини ривожлантириш таклиф қилинган. Бундай тартибда тижорат банкларнинг хизматлар портфелини шакллантириш амалиёти мижозларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондиради ва бошқа банкка ўтиш жараёнини олдидини олади.

Мижозларнинг банк хизматларидан ўзоқ муддатларда фойдаланишни рағбарлантириш тижорат банкларининг фаолиятида муҳим рол уйнайди ва банк имиджини ошишини таъминлайди. Тадқиқот ишида мазкур йўналишни амалга ошириш учун хизматлар портфелини “иммунизациялаш” лозимлиги, яъни ўзоқ давр мабойнида бир банкнинг хизмалдаридан фойдаланган мижозни рағбарлантириш ёки унга қўшимча кулайликлар яратиш юзасидан таклифлар берилган. Тижорат банклари томонидан ўз фаолиятларини бундай тартибда амалга оширилишини ташкил қилиш, банкнинг ҳам мижозлар базасини камайишини ҳам даромадлиқ даражасини пасайишини олдини олади.

Республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида жойлашган аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларига бўлган талабларини қондириш ва уларга янада яқинлаштириш учун қўшимча банк филиалларини очишга туғри келади. Бироқ бугунги кунда кўпчилик тижорат банкларида ҳудудий филиалларни очиш учун молиявий маблағлар етишмаслиги ва қўшимча харажатлар қилишга имконияти йўқлиги ҳаммага аён. Мазкур масалани оптимал ҳал қилиш учун тижорат банкларида “мобил” ходимлар хизматини ташкил қилиш тавсия қилинган. Бундай тартибда банк фаолиятини ривожлантириш қўшимча харажатлар қилмаган ҳолда банк хизматлар портфелини кенгайтириш ва мижозларнинг эҳтиёжини максимал қондириш имкониятини беради.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган муаммолар моҳияти асосан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банки мисолида ўрганилган бўлиб, банкда жамғариб бориловчи ва муддатли депозитларга пул маблағларини жалб қилишга

етарлича эътибор қаратилмаганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолатнинг мавжуд бўлиши миждларнинг жамғариб бориловчи ва муддатли депозитларга бўлган эҳтиёжи самарали қондирилмаётганлигидан далолат беради.

АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида бундай салбий ҳолатни бартараф қилиш мақсадида аҳоли учун жозибадор ва қўлай бўлган муддатли ва жамғариб бориловчи янги депозит турларини жорий қилиши амалиётини ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Республикамизда иккиламчи қиматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда фаол қатнашиш мақсадида, қимматли қоғозлар билан бўладиган банк операцияларига етарлича эътибор берилмаганлиги аниқланди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув тизими ривожланади ва бунда қимматли қоғозлар билан боғлиқ банк хизматларига талаб ошади. Тадқиқот ишида тижорат банкларида қимматли қоғозларни чиқариш, уларни фонд бозорларида жойлаштириш борасида кўмаклашиш билан боғлиқ банк хизматларини жорий қилиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Юқорида келтирилган хулосалар банк хизматларини тақдим қилиш амалиётини ривожлантиришда ва бозор иқтисодиёти шароитида миждларнинг уларга бўлган эҳтиёжини самарали қондиришда таянч омиллар сифатида хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблайман.

Халқаро банк амалиёти кескин ривожланиши натижасида Ўзбекистон Республикасида банк хизматлар соҳасини ўрганиш ва тижорат банкларида хизматлар портфели менеджментини такомиллаштириш ҳам, муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, мамлакатимиз банк тизимида кучли рақобатни шакллантириш орқали тижорат банкларида, хусусан АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида хизматлар пакетини такомиллаштириш лозим. Бунинг учун миждларнинг эҳтиёжларини систематик равишда ўрганиб бориш, бу борада маркетинг ишларини

жадаллаштириш ва бу соҳада сезиларли ўзгаришлар қилиш мақсадида конкрет чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқот ишининг якунида, АТ “Ўзсаноат қурилиш” банкида миждозларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш амалиётини ривожлантиришда, хизматлар пакетини оптимал равишда кенгайтиришда ва бу борада стратегик режалар тузишда тадқиқот ишида билдирилган таклифлар ва қилинган хулосаларни асосий йўналишлар сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабр. Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 2000 йил 26 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкасининг қарорлари

6. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширилишини жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Тошкент ш., 2005 йил 7 июн.
7. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 21 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори
9. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 420-сонли қарори, 2003 йил 1 октябр.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 15.08.2003 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

11. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
13. Каримов И.А. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр
14. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилidir. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.
15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йилда асосий яқунлари ҳамда 2012 йилда Ўзбекистонни ижтмий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. 20 январ
16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламла ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш// Халқ сўзи. – 2013. 19 январ
17. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.
18. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва

хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир//
Халқ сўзи. – 2015 йил 17 январ.

19. Каримов И.А. Мустақилликка эришиш остонасида Т: “Ўзбекистон”,
2011.- 440б.

IV. Меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар

20. Положение об учетной политике и финансовой отчетности банков
(Утверждено постановлением ЦБ РУз от 19.07.2003 г., № 15/9).
21. Положение о порядке составления и представления консолидированной
финансовой отчетности коммерческими банками (Утверждено
постановлением ЦБ РУз от 31.12.2004 г., № 28/12).
22. Положение о порядке исправления ошибок в финансовых отчетах
коммерческих банков (Утверждено постановлением ЦБ РУз от
08.11.2003 г., № 27/14).
23. Ҳисоб-китоблар Марказида банклараро тўловларни амалга ошириш
тартиби (Марказий банк томонидан 2004 йил 15 февралда 561-сон
билан тасдиқланган).
24. Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом (Адлия
вазирлиги томонидан 2003 йил 11 октябрда 25/8-сон билан рўйхатга
олинган).
25. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия
ҳисобининг ҳисобварақлар режаси (Адлия вазирлиги томонидан 2004
йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган).
26. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил
қилиш тўғрисида Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15
апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган).
27. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10
ноябрда 1080-сон билан рўйхатга олинган).

28. Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида Низом (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 ноябрда 534-сон билан рўйхатга олинган).
29. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16 ноябрда 533-сон билан рўйхатга олинган, Марказий банк томонидан 1997 йил 21 июнда 61 сон билан тасдиқланган).
30. Тижорат банкларида касса ишини ташқил этиш, инкассация ва қийматликларни ташишга доир Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 августда 1263-сон билан рўйхатга олинган).
31. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида. (Адлия вазирлигида 2000 йил 25 июлда, Марказий банки томонидан 2000 йил 26 апрелда 949-сонли 420-сонли рўйхатга олинган.)
32. Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 14 январда 1199-сон билан рўйхатга олинган).
33. Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 14 январда 1201-сон билан рўйхатга олинган).

V. Махсус адабиётлар.

34. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Тошкент: Молия, 2003.
35. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т: Молия, 2002. -304 б.
36. Банковское дело. Учебник, под редакцией проф. Колесников В.И. М.: «Финансы и статистика», 2003
37. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности. М.: «Финансы и статистика», 2002.

38. Закирова М.Ш. Иктисодий моделлаштириш. Т.1996 й.
39. Кравцова С.Ю. Правовой режим уставного капитала банка. – М.: Дело, 1999. – 118 с.
40. Йулдошев НД., Волтабоев М.Р., Рихсимбоев ОК., Ганиев Б.О. Стратегии менежмент. Ўқув кулланма. -Т.: ТДИУ нашр., 2003 й.
41. Лаврушин О.Н. Банковское дело. М. ФИНАНСЫ 2003 й.
42. Лаврушин О.И. (Управление деятельностью коммерческого банка: Учебник/-М: Юристъ, 2002., гл.10.
43. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент; Банковское дело:/Учебник/-М: Финансы и статистика, 2005., гл.6.
44. Ларионова И.В., Управление активами и пассивами в коммерческом банке/-М: "Консалтбанкир", 2003. гл.4.
45. Ларионова И.В. Реорганизация коммерческих банков. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 366 с.
46. Леопольд А. Анализ финансовой отчетности : теория, практика и интерпретация/-М: Финансы и статистика,1996. гл.16.
47. Ляльков М.И. Проблемы разработки стратегии и оценки эффективности деятельности коммерческого банка ; Экон. Акад. РФ. – М., 1998. – 194 с.
48. Маршалл Холман. Интерпретация и применение международных стандартов финансовой отчетности. Т.: «Ўзбекистан», 2001 й.
49. Панова. Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка — М.: Дело и Сервис, 1996 й.
50. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. - М: Финансы и статистика, 2001 г
51. Рахимов Д.Н. ва бошқалар. Менежмент. (уқув кулланма) –Т: Академия, 2003 й.
52. Фетисов Г.Г. Устойчивость коммерческого банка и рейтинговые системы ее оценки. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 168 с.

53. Эрматов. М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. «Иктисод-молия» 2005 й.
54. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти: Ўқув қўлланма. Д.Г.Гозибеков, О. Ш. Сабиров ва бошқ.; Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: "Fan va texnologiya", 2004. -308 б.
55. Уткин Э.А. Нововведения в банковском бизнесе России. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 351 с.
56. Уткин Э.А., Суханов М.С. Аудит банковской деятельности. Учеб. пос. М.: ТЕИС, 2003
57. Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. —Минск. Высшэйшая школа, 2003. 3 стр.
58. J.Norton, Devising International Bank Supervisory Standerts (Kluwer, 1995)

VI. Илмий мақолалар, монографиялар

59. Абдуллаева Ш.З. CAMEL-банк фаолиятини баҳолаш хизматида. // Бозор, пул ва кредит журнали, 1998 йил 4-сон.
60. Х.Холтўраев Тадбиркорларнинг орзулари ушалмоқда ёхуд “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятига бир назар //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2015 йил 5- сон
61. Абдуллаева Ш.З. Кредит портфелини бошқаришда диверсификациялаш аҳамияти/ Бозор, пул ва кредит. -Т., 2003.- N 5., 8-9 б.
62. Бакиев Ф. Итоги реформирования банковской системы и задачи дальнейшего углубления. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2006 й. - N 1.
63. Бор М.З., Стратегическое управление банковской деятельностью. Практика банковского дела: Практические рекомендации. Международный опыт/-М: ПРИОР, 1995.
64. Болтаев О. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил этиш. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2003 й. - N 9., 3-4 б.

65. Валравен К.Д. (Управление рисками коммерческого банка: учебное пособие: Рабочие материалы ИЭР/ Институт экономического развития Мировой банк.-Вашингтон: Мировой Банк, 1992.
66. Варьяш И. Нематериальные активы банка. Банковские технологии. - М, 2005 й. - №11. - С. 24-29
67. Гозибеков Д.Г. Ўзаро ҳамкорлик - муваффақият гарови (Банк-молия академияси ҳақида) Банк ахборотномаси. – Т., 2006 й. - 8 феврал. - С. 5
68. Голикова Ю.С. Факторы возникновения банковских кризисов. Банковское дело. - М, 2005 й. - №8. - С. 33-37
69. Джозев Ф. Синки, Управление финансами в коммерческих банках. 4-е издание/-М: Catallaxy, 1994.
70. Евсюков В.В. Комплексный подход к формированию кредитного портфеля банка/Банковское дело.-М.,2005.-№7.-С.62-65.
71. Жураев.У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базел кумитасининг роли. // Бозор, Пул ва Кредит журналі 2003 йил 10-сон.
72. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2006 й. - N 1. 19-21 б.
73. K.J.Walraven ,Commercial bank risk management: Training handbook/Economic Development Institute of the World Bank.-Second ed.-Washington:The Word Bank, 1996.
74. Муллажонов Ф.М. Ун йиллик одимлари.// Бозор, Пул ва Кредит журналі 2001 йил 8-сон.
75. Муллажонов Ф.М.Ўзбекистон банк тизими: ривожланиши ва тараккиёт йулида.// Бозор, Пул ва Кредит журналі 2002 йил 8-сон.
76. Маматов З. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишининг ўзига хос хусусиятлари. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2003 й. - N 12. - С. 7-10
77. Остапкович Г.В. Деловая активность в банковской системе: состояние и перспективы. Банковское дело. - М., 2003 й. - N 8. - С. 2-1

78. Тошматов Ш.А. Тижорат банкларида корпоратив менежмент ривож.
Бозор, пул ва кредит. - Т., 2004 й. - N 12. - С. 7-10
79. Черемных О.С. Процессно-стоимостной подход к управлению
коммерческим банком. Банковское дело. - М., 2003 й. - N 8. - С. 11-18
80. Юлдашев М. О проекте закона Республики Узбекистан "О банковской
тайне". Бозор, пул ва кредит. – Т., 2003 й. - N 8. - С. 25-27
81. Терри Страуд. Банк назорати истикболлари.// Бозор, пул ва кредит
журнали, 199 йил 9-сони, 12 бет.

ҮII. Интернет сайтлар

82. www.uza.uz- (Natsionalnaya informatsionnaya agentstvo)
83. www.cer.uz- (tsentr ekonomicheskogo issledovaniya)
84. www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee)
85. www.gov.uz – (novosti pravitelstva Uzbekistana).
86. [www. Cbu.uz](http://www.Cbu.uz) (Markaziy Bank)
87. www. Uba.uz.(o'zbekiston banklari assotsiatsiyasi)